БУТУН ДИН'ДА ПРОЛЕТАРЛАР, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ(большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАРКОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 187 (6614)
18 СЕНТЯБРЬ 1946 йил
ЧОРШАНБА
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабидан (1-нчи бет).

Колхоз ва совхозлардаги асосий куч пахта йиғим-теримига сафарбар қилинсин. — Пахта тайёрлашнинг бориши, «Қизил чегара» колхози пахта тайёрлаш планини қандай бажарди. А. Раҳимов. — Йиғим-терим яхши ташкил этилмаган (1-нчи бет).

Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг сессияси ёпилди (1-нчи бет).

Париж Сулҳ Конференциясида (2-нчи бет).

Х. Ғафуров. — Медицина муассасаларини қишга тайёрлайлик (2-нчи бет).

Париж Сулҳ Конференциясида. — Триест низоми ва асосий масалалар. — Италия билан тузиладиган сулҳ шартномасининг сиёсий ва территория масалаларини кўриш комиссиясининг мажлисида В. М. Молотовнинг 14 сентябрьда сўзлаган нутқи (3-нчи ва 4-нчи бетлар).

Ташқи ишлар министрлари ўринбосарларининг кенгашлари тўғрисида (4-нчи бет).

ТАСС радияси (4-нчи бет).

ВКП(б) қаторларини ўстирайлик, ёш коммунистларни тинмай тарбиялайлик

Большевиклар партиясининг қаторлари улуғ ватан уруши йилларида кўп марта ўсди ва мустаҳкамланди. Шу йилларда Ленин-Сталин партияси қаторларига минглаб совет кишилари келиб кирди.

«Ватанимиз ўлим хавфи остида қолган даврда ишчилар синфи, деҳқонлар ва совет интеллигенцияси ичидаги энг яхши кишиларнинг ўз тақдирларини партия билан боғлашга интилганликлари совет жамиятининг тузумига халқ оммасининг беҳад садоқатини ва совет халқининг большевиклар партияси теварагида жипслашганлигини кўрсатади» (ВКП(б) Марказий Комитетининг қароридан).

Улуғ ватан уруши вақтида бутун партия билан биргаликда унинг бир отряди сифатида Ўзбекистон партия ташкилоти ҳам ўсди ва мустаҳкамланди. Ўтган беш йил мобайнида—я'ни 1941 йил июль ойидан 1946 йил июлигача бўлган даврда республика партия ташкилотининг сони 54,5 процент ўсди. Ҳозир республикамизда 77.592 ВКП(б) а'зоси ва 33.603 кандидати бор. Шу вақт ичида Ўзбекистон партия ташкилоти ВКП(б) а'золигига 38.717 киши ва партия кандидатлигига 53.399 кишини қабул қилди.

Партия ташкилоти ишчилар, колхозчилар ва интеллигентлар орасида етишган энг яхши кишилар ҳисобига ўсди. Булар меҳнат соҳасида шонли муваффақиятлари билан, большевикларга хос ғайрат ва қат'ият билан қийинчиликларни енгиш, ғалаба сари олға бориш намунасини кўрсатган ватанпарварлардир.

Республика партия ташкилоти Қизил Армиядаги жангчи коммунистлар ҳисобига ҳам бирмунча ўсди. Буларнинг кўпи ватан уруши фронтларида партия сафига кириб, ҳозир ҳарбий хизматдан бўшаб, Ўзбекистонга қайтиб келдилар ва партия ҳамда совет ташкилотларида, илмий-оқартув муассасаларида ишламоқдалар.

ВКП(б) Марказий Комитети «партия сафининг ўсиши ва ВКП(б)га янги кирган кишилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш чоралари тўғрисида» шу йил 26 июльда махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда партия ташкилотлари томонидан ВКП(б) сафига а'зо ва кандидатлар қабул қилишда йўл қўйилган камчиликлар очиб ташланди ва бу хато ҳамда камчиликларни тузатиш йўллари жуда равшан белгилаб берилди.

Партия қаторларини ўстириш соҳасидаги жиддий камчиликларнинг юз беришига сабаб, бу масалага етарли даражада эътибор берилмаслигидир. Кўпинча бу муҳим ишга ихтиётсизлик билан қаралади. ВКП(б) нинг уставида кўрсатилган талабларга қат'ий риоя қилинмайди. Ана шунинг натижасида партияга кириш учун ариза беручиларни ёппасига қабул қилиш, якка-якка тартибда текшириб қабул қилиш принципига риоя қилмаслик ҳоллари юз беради. Бундай тасодифларга партия қаторларига муносиб бўлмаган кишиларнинг кириб қолишига йўл қўйилади.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг якинда бўлиб ўтган XIV пленуми ВКП(б) Марказий Комитетининг шу йил 26 июльда чиқарган қарорининг республикамиз партия ташкилотларида қониқарсиз бажарилаётганини та'кидлаб ва область район, шаҳар партия ташкилотлари зиммасига ВКП(б) қаторларига янги а'золар қабул қилиш ва коммунистлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш мажбуриятини юклади.

Ҳозирги вақтда барча партия ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири—партия қаторларига янгидан кирган коммунистларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан чиниқтиришдан иборат.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пленуми бошланғич партия ташкилотлари; унинг ишидаги энг катта камчиликлардан бири ёш коммунистлар орасида ғоявий-сиёсий тарбиявий, ишларнинг тамоман қониқарсиз бораяпти деб кўрсатди. Ёш коммунистлар билан тинмай ишлаш, уларнинг ишидаги камчиликларни доимо кўриб, тузатиб туриш, уларнинг назарий савияларини ошириш устида тинмай ғамхўрлик қилиш — барча партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Ёш коммунистлар интизомли, аҳлоқли, чидамли, иродали ва принципал бўлишлари керак. Уларда меҳнатга, ҳаётга, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига коммунистик муносабатда бўлиш ғояларини тарбиялаб етиштиришимиз лозим.

Бу оғир ва мураккаб, лекин бажариб бўладиган вазифалардандир. Жойларда партия қаторларига янгидан қабул этилган кишилар учун ВКП(б) уставини ўрганиш тўғараклари очиш, ёш коммунистлар учун сиёсий-илмий мавзу'ларда лекция ҳамда суҳбатлар уюштириб туриш лозим. Аммо айрим жойларда бу ишга етарли эътибор бермайдилар. Масалан, Фарғона шаҳридаги корхоналарда комсомол қаторларида тарбияланиб партиямиз сафига ўтган юзларча ёшлар бор. Шаҳар партия комитети ҳисобида турувчи 700 партия кандидатидан деярлик кўпи ишлаб чиқариш илғорлари—стахановчи йигит ва қизлардир. Булар тарбияга, бошланғич партия ташкилотларининг ёрдамига муҳтож. Аммо, Фарғона шаҳар корхоналарида ёш коммунистларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларга большевистик партиямизнинг шонли тарихини ўргатишга етарли даражада эътибор бермайдилар. Тўқув-йигирув фабрикаси ва ёғ заводида ёш коммунистлар учун очилган ВКП(б) уставини ўрганиш тўғараклари ёпилиб қолган. Шаҳар партия комитети бу тўғараклари тиклаш ҳақида ўйлаб кўргани йўқ.

Қашқадарё область, Чироқчи район партия комитети ёшларни ВКП(б) қаторларига қабул қиладию, аммо кейинчалик уларни ўз ҳолига ташлаб қўяди. «Кўкдала» галлачилик совхозида партия кандидатлигига қабул этилган ёшлар жамоат ишларига тортилмаган, уларга партия топшириқлари берилмаган. Ёш коммунистларга бундай нотўғри муносабатда бўлиш фактларини кўп жойларда учратиш мумкин. Бундай камчиликларга хотима бериб, ёш коммунистларни тарбиялаш йўлларини ишимизда кескин бурилиш ясамоғимиз керак.

Партиямиз янги резерв кучлари бўлган кандидатларни —ёш коммунистларни Ленин-Сталин ишига, буюк большевиклар партиясининг ишига садоқат руҳида тарбиялаб, уларни амалий ишда тинмай чиниқтирайлик. Барча область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифаси партиявий-сиёсий тарбиявий ишларни, юксак даражага кўтаришдан иборатдир.

ҚИШКИ СПОРТ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ВЦСПС Президиуми физкультура ва спорт соҳасида касаба союзларининг ишини яхшилаш масаласини муҳокама қилди.

Касаба ташкилотлари ҳузуридаги спорт жамиятларининг кўпчилиги ўз ишини қизитиб юборди. 11.490 та физкультура коллективи ташкил қилинди. Бу коллективларда бир ярим миллиондан кўпроқ киши қатнашмоқда. Стадионлар, спорт майдончалари, чанғи базалари, сув станцияларн тикланди.

ВЦСПС президиуми ҳарбир корхона ва муассаса ҳузурида физкультура коллективлари, коллективлар ҳузурида эса гимнастика, енгил атлетика, чанғи, сузиш, футбол ва бошқа турли спорт секцияларн тузишни таклиф этди. Ҳарбир секцияда камида ҳафтада икки марта машғулот ўтказилиши керак. Физкультура инструкторлари тайёрлаш учун доим ишлайдиган олти ойлик курс очилади.

Касаба союзларининг марказий комитетларига ва спорт жамиятларининг марказий кенгашларига қишки спорт мавсумига тайёргарликни 15 ноябрьдан кечиктирмай тамомлаш, стадионлардаги спорт асбобларини вақтинча фойдаланишга бериш, трейнер ва инструкторларнинг назбатчилигини уюштириш топширилди. Корхоналар ҳамда ишчи ва хизматчилар турадиган ётоқхоналар ёнида кичик спорт ва гимнастика майдонлари қуриш тўғрисида зарур чоралар кўриш ҳам таклиф этилди. (ТАСС).

ЖУН ГАЗМОЛЛАР ЧИҚАРИШ КЎПАЙМОҚДА

СССР Тўқимачилик саноати министрлигига қарашли жун ва мовут фабрикалари август ойида пландан ташқари 206 минг метр газмол ишлаб чиқардилар. Ленинграддаги Тельман номли комбинат, Москвадаги Краснохолм комбинати, Москва областидаги «Пролетарий» мовут комбинати ва бошқалар планни анча ошириб бажардилар.

Москвадаги Петр Алексеев номли ва «Освобожденний труд» фабрикаларида, Москва областидаги Серпухов ва Пушкинск фабрикаларида қўшимча ускуналар ишга туширилди. Ворошиловграддаги жун-газмол фабрикаси ишга туширилди.

Главшерсть корхоналари ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу корхоналар тўртинчи кварталда газмол ишлаб чиқаришни учинчи кварталдагига нисбатан 600 минг метр кўпайтиришлари керак.

Фабрикаларга 8.200 га яқин янги ишчи қабул қилинди. Шундан 2.600 дан ортиқ киши сўнгги 2 ой ичида олинди. Қарийб 3.500 дан ортиқ киши армиядан бўшаб келган. Ҳамма корхоналарда янги ишчиларни турли касбларга ўргатиш уюштирилди. (ТАСС).

ҚИШЛОҚДА ҒИШТ ЗАВОДЛАРИ

МИНСК, (ТАСС). Кобрин ғишт заводи қуриб битказилди. Завод биринчи маҳсулот берди. Бу завод йилига бир ярим миллион дона ғишт ва 250 минг дона черепица ишлаб чиқаради.

Ҳозирги вақтда Белоруссияда 208 ғишт заводи ишлаб турибди. Бу йил бу заводлар шаҳар ва қишлоқларни тиклаш учун неча ўн миллион дона ғишт тайёрлаб берди. Янги бешйилликнинг охиригача республиканинг қишлоқларида 800 дан ортиқ ғишт ва черепица заводи қурилади.

Колхоз ва совхозлардаги асосий куч пахта йиғим-теримига сафарбар қилинсин!

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг «1946 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида»ги қарорида сентябрь ойида республикада йиллик планнинг 42 процентн миқдорида пахта тайёрлаш кераклиги аниқ кўрсатилган.

Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министрлигининг 16 сентябрьга берган маълумотига қараганда, республикада эндн йиллик планнинг 9,9 процентн миқдорида пахта тайёрланган. Пахта тайёрлашда Тошкент (5,3 процент), Наманган (6,3 процент), Хоразм (7 процент), Фарғона (7,2 процент), Андижон (7,4 процент), Самарқанд (7,8 процент) областлари ва Қорақалпоғистон АССР (9,7 процент) айниқса орқада қолмоқдалар. Бухоро области планнинг 16,2 процент, Сурхондарё области 24,3 процент, Қашқадарё области 25,3 процент бажардилар.

Пахта тайёрлашнинг бу қадар суст бориши партия ва ҳукумат томонидан сентябрь ойи учун тузилган графикнинг бажарилмай қолиш хавфини туғдиради. Бунинг сабаби шундаки, ҳали Тошкент, Наманган, Хоразм, Фарғона, Самарқанд ва бошқа областлардаги партия ва совет ташкилотлари, техника экинлари бўлимлари ва тайёрлаш органлари пахта йиғим-терининг қизитиб юборганлари йўқ. Пахта териш ва тайёрлаш ишига оператив раҳбарликнинг йўқлиги натижасида Тошкент областида шу дамгача, бирон кун ҳам йиллик планнинг бир процентн миқдорида пахта тайёрланмаган. Қашқадарёё ва Сурхондарёё областларида кунига йиллик планнинг 2 процентн ва ундан ошириб пахта тайёрланаётгани ҳолда, Наманган ва Хоразм областларида кундалик ўсиш 0,9 процентдан, Фарғона, Андижон, Самарқанд областларида 1 процентдан ошмаётир.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим область ва районларнинг раҳбарлари ҳали пахта яхши очилмаган, деган кайфият билан пахта йиғим-терининг ўзибўларчиликка ташлаб қўймоқдалар. Бу ҳолни Хоразм областида учратиш мумкин. ЎзК(б)П Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюроси Хоразм область раҳбарларининг пахта йиғим-теримига бу қадар бепарво қарашларини қаттиқ қоралаб, кунига йиллик планнинг 2-3 процентн миқдорида пахта тайёрлашга эришмоқларини уқтириб ўтган эди. Хоразм область партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари сентябрь-нинг сўнгги беш кунлигида ҳам кескин ўзгариш қилганлари йўқ. Пахта териш сур'ати пастлиги устига, терим сифати ҳам ундан ҳам контрольлик қилинмаётир. Урганч районидаги Ленин, Энгельс номли колхозларда 3-5 сентябрь кунлари отбор сорт пахталар хом пахталарга аралаш қилиб юборилган.

Колхозлардаги асосий куч пахта теримга сафарбар қилинмоғи зарур. Аммо, жойлардан берилаётган сигналлар ҳали кўп колхозларда пахта териш учун ажратилган кишиларнинг ярмидан кўпи бошқа ишлар билан банд эканлигини кўрсатади. Тошкент областининг Оққўрғон районидаги «Озод» колхозида 192 кишидан 80 таси, Самарқанд область, Қаттақўрғон районидаги Молотов номли колхозда 140 кишидан 80 таси пахта теримига иштирок қилади.

Пахта тайёрлашда бу қадар сустқашликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Партия ташкилотлари теримчилар ўртасида оммавий-агитация ишларини кенг йўлга қўйишлари, бешмингчилар қаторини кенгайтиришлари керак. Асосий куч пахтани қисқа муддатда, сра юбуд қилмай териб олишга сафарбар қилинсин!

«ҚИЗИЛ ЧЕГАРА» КОЛХОЗИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Сурхондарё область Термиз районининг Пахтаобод қишлоқ советидаги «Қизил чегара» колхози пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари 100,2 процент бажарди. Колхоз 61 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 20,3 центнердан пахта топширди. Колхозчилар пахтанинг ҳамма ҳосилини юбуд қилмай, йиғиб-териб олиш учун зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Улар бу йил ҳамласи бўлиб ҳар гектар ердан давлатга 40 центнердан пахта топширмоқчилар.

Йиғим-терим яхши ташкил этилмаган

Сталин номли 17-нчи пахта совхозида бу йил мўл ҳосил учун кураш яхши ўтди. Шу билан бирга совхоз бу йилги йиғим-терига республикадаги бошқа пахта совхозларига қараганда илгари киришди. Ҳозир совхоз далаларида пахталар қийғос очилмоқда. Лекин шундай бўлишига қарамасдан совхозда пахта териш ва топшириш жуда суст бораётир.

Совхоз сентябрь ойи ичида йиллик планнинг 41 процентн миқдорида пахта териб, топширишн керак. Бироқ, бу ерда 5 ва 10 кунлик териш ва топшириш графиклари бажарилмаётир. Совхоз бўйича сентябрьнинг дастлабки ўн кунн учун берилган топшириқ зўрга 50 процент бажарилди.

Ҳамма бўлимларда деярлик пахталар яхши очилган. Совхозда пахта териш ва топширишн графикасининг бажарилмаётганига сабаб нима?

Совхозда пахта теришга 2 мингдан ортиқ теримчи қўйиш учун имкон бор. Аммо, далада пахта ёппасига очилган бўлишига қарамасдан, совхоз дирекцияси теримга жуда кам кишн ажратган. Бунинг устига шу пландаги теримчиларнинг ҳам қарийб ярими теримда қатнашмаётир.

Совхоз пахта ташкилоти пахта йиғим-теримида катта кечикишлик юз берганига жуда хотиржамлик билан қараб келмоқда. Бунинг устига пахта йиғим-терим даврида оммавий-сиёсий ишларни уюштиришга ҳали киришгани йўқ. Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа ташкил қилинмаган. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг «1946 йилда пахта ҳосилини териш ва топширишн тўғрисидаги» қарорга мувофиқ, мавсумдаги терим нормасини бажарганн ва оширіб бажаргани учун қўшимча равишда қанча пул, дон, мой, газлама ва бошқалар олажагини кўпчилик теримчилар билмайди.

Совхозда ҳозирнинг ўзидаёқ бирнеча ўнлаб теримчи пахта теришда юқори иш унумини бермоқда. 2-нчи бўлимнинг теримчиларидан ўртоқ Фотима Петрова терим бошланганидан бери ўрта ҳисобда ҳар куни 130 килограммдан пахта термоқда. Биринчи бўлимдаги ўртоқ Абдурақмонова ҳар куни 135 килограммдан, 11 сентябрьгача 2 минг 19 килограмм пахта терди. Ўртоқ Карим Исмоилов (4-нчи бўлим) 11 кунда 1112 килограмм пахта териб берди. Бироқ, совхоз партия ташкилоти бу илғор теримчиларнинг тажрибасини бошқаларга тарқатаётгани йўқ.

Совхозда пахта териш ва ташишда нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун тегишли тадбирлар кўрилмаган. Учинчи бўлимга қарашли 52-нчи далада теримчилар пахтани тоза термай, чаноқларда қолдириб кетаётганларини кўрдик. Шундай аҳвол иккинчи бўлимда ҳам юз бермоқда.

Умуман совхоз раҳбарлари пахтани териш ва давлатга топшириш ишини қизитишга астойдил киришмаганлар. Совхоз директори ўртоқ Тошев ва партия комитетининг секретари ўртоқ Тошпўлатовлар пахта териш ва давлатга топшириш ишини қизитиб юборишн учун тошпилнч чора кўрмасалар, сентябрь ойи планини бажаришни барбод беришга, пахтанинг вақтида терилмай нобуд бўлишига сабабчи бўлишлари турган гап.

А. РАҲИМОВ.

ИЛҒОРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўртачирчиқ район Йўнғичқали қишлоқ советидаги «Кучли» колхозининг юз центнерчилар ҳаракатига қўшилган Рукия Охунжонова бошлиқ звено а'золари фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Звено а'золари очилган пахтани пешма-пеш теришни намунали уюштирдилар. Звено 14 сентябрьда 5,5 гектар ернинг гектаридан 20 ўрнига 25 центнердан пахта топшириб, ҳосил юзасидан олган мажбуриятни колхозда биринчи бўлиб ортиғи билан бажарди. Звено а'золари теримда ўзаро социалистик мусобақани қизитиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Звено бошлиғи Охунжонова ҳар куни 190 килограммдан ортиқ пахта термоқда.

Колхозининг бошқа бригада, звеноларида ҳам пахта терими уюшқоқлик билан ўтаётир. Теримчиларнинг кўпчилиги кунлик нормани ошириб бажарганлари туфайли, колхоз ҳар куни йиллик планнинг 4,9 процентн миқдорида пахта топширмоқда.

ЙИЛЛИК ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНЛАРИНИ БАЖАРДИЛАР

Тошкент область, Пискент район, Кеғочли қишлоқ советидаги Калинин номли колхозининг ўртоқ Бурайхон Бегматова бошлиқ звеноси 5 гектар ерида мўл пахта ҳосили етиштирди. Звено 9 сентябрьгача йиллик планини ошириб бажарди. Звенода мўл ҳосилни териш кундан-кун кизимоқда. Ўртоқ Бегматованинг ўзи ҳар куни 120—130 килограммдан пахта теряётир.

Шу қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозининг ўртоқ Муяссар Аҳмедова бошлиқ звеноси 5 гектар ерининг ҳар гектаридан 13 центнердан пахта топшириб, 10 сентябрьда йиллик планини бажарди.

М. ГАБИДУЛЛИН.

ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабидан

Область, ўлка ва республика миқёсида ишлайдиган раҳбар партия ва совет ходимлари тайёрлаш учун ВКП(б) Марказий Комитети ҳузурида Олий партия мактаби ташкил қилинди. Мактабда икки факультет: партия ва совет факультетлари бор. Партия факультетида ташкилотчи партия ходимлари, пропаганда ходимлари, газета муҳаррирлари бўлимлари бор.

Мактабда қуйидаги дарслар ўқитилади: ВКП(б) тарихи, СССР тарихи, умумий тарих, сиёсий иқтисод, диалектик ва тарихий материализм, логика (мантиқ), СССР нинг халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи, иқтисодий ва сиёсий география (шу жумладан СССРдаги ишлабчиқариш кучларининг қандай жойлашганлиги тўғрисида лекциялар), рус тили ва адабиёти, ажнабий тил, совет экономикасининг асослари ва халқ хўжалигининг турли тармоқларига раҳбарлик қилиш тажрибаси, партия қурилиши (партия факультетида), СССР давлат ҳуқуқининг асослари (партия факультетида), давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши (совет факультетида), журналистика (газета муҳаррирлари бўлимида).

Мактабда ўқиш муддати 3 йил.

ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлаган кишиларга олий партия ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисида диплом берилади.

Олий партия мактабида қуйидаги кафедралар: ВКП(б) тарихи, СССР тарихи, умумий тарих, сиёсий иқтисод, иқтисодий ва сиёсий география, диалектик ва тарихий материализм, халқаро муносабатлар, рус тили ва адабиёт, совет экономикаси, партия қурилиши, давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши, журналистика, ажнабий тиллар кафедралари тузилди.

ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабининг илмий кенгашига фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун диссертация ёқлаш ва фанлар кандидати илмий даражасини бериш ҳуқуқи берилди.

ВКП(б) Марказий Комитети қошидаги Олий партия мактабига ўқувчи қилиб ақалли мукаммал ўрта ма'лумоти бўлган партия ва жамоат ишида ўзини яхши кўрсатган, 40 ёшгача бўлган ВКП(б) а'золари қабул қилинади.

Мактабга ўқувчилар область ва ўлка комитетлари, иттифоқчи республикалар Марказий Комитетлари ва бевосита ВКП(б) Марказий Комитети томонидан танлаш йўли билан ҳам, шунингдек мактабда ўқишни истаб, шахсан ариза бериш йўли билан ҳам қабул қилинади.

Аризаларни шу йил 20 сентябрьгача ВКП(б) Марказий Комитетининг Кадрлар бошқармаси қабул қилади. Аризага кадрларни ҳисобга олиш варақаси, таржимаий ҳол, ма'лумотн тўғрисидаги ҳужжатнинг копияси, партия ташкилоти берган характеристика ва иккита фотокарточка илова қилиниши керак.

Олий партия мактабига киручилар ўрта мактаб программаси ҳажмида СССР тарихи, рус тили, географиядан ва олий ўқув юртлари программаси ҳажмида марксизм-ленинизм асосларидан кириш имтиҳони берадилар.

Олий ма'лумотли кишилар Олий партия мактабининг 1-нчи курси ҳажмида имтиҳон берганлари тақдирда, мактабнинг 2-нчи курсига қабул қилиниши мумкин.

Имтиҳон берган ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабига қабул қилинган ўртоқлар стипендия ва ётоқхона (оиласиз бўлса ўзи) билан та'мин қилинадилар.

Мактабда дарслар 1946 йил 1 октябрьда бошланади.

Мактабнинг адреси: Москва, Садово-Кудринская, 9. ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Олий Партия мактаби.

СССР БЛАН АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЎРТАСИДА ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

Совет шахматчиларининг порлоқ ғалабаси

16 сентябрьда Союзлар Уйининг Колонна залида томом бўлмай қолган тўрт ўйин ўйналди. Ўйинларни тамоша қилиш учун кўп киши тўпланди.

Мастер Бронштейн иккинчи даврадаги ўйинни давом эттирмай, Ульвестатга таслим бўлди. Болдаревский америкалн мастер Кевиц билан бўлган ўйинида айтарлик узоқ қаршилик кўрсатолмади. Америка мастерининг қўли жуда баланд эди. Кевицнинг пиёдалари мони'сиз илгари юра бошлагандан кейин Болдаревский таслим бўлди.

Решевский билан Ботвинник ўртасидаги томом бўлмай қолган ўйин ҳаммани қизиқтирди. Кенжатирилган ўйинда Ботвинникнинг қўли бирмунча баланд эди. Аммо бу ўйинни ютиш осон эмас эди. Ботвинник жуда усталик билан ўйнаб, провардида устунлигидан яхши фойдаланди ва 59-нчи юришда Решевский таслим бўлди.

Ульвестат билан Бронштейн ўртасида биринчи даврада бошланган ўйин учинчи марта давом эттирилди. Бу ўйин жам'и 15 соат давом этди ва 118-нчи юришда Бронштейн ғалабаси билан тугади.

Шундай қилиб, мусобақада ўйналган 26 ўйиндан совет командаси 8 ўйинни ютди, 9 ўйинни дуранг қилди ва 3 ўйинни ютқазди. ССС командаси биринчи даврада 7:3 ҳисоби билан, иккинчи даврада 5,5:4,5 ҳисоби билан ютди. Умумий якун 12,5:7,5 ҳисоби билан СССР командаси фойдасига тугади. (ТАСС).

Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг сессияси ёпилди

НУКУС (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг еттинчи сессияси ўз ишини тамомлади. Сессия республиканинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик планн тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Саноат маҳсулотининг умумий ҳажми бешйилликнинг охирида 1940 йилдагидан деярлик икки баравар ошиб кетади. Иккита пахта заводи қурилади, ҳозир ишлаб турган корхоналар қайтадан қурилади. Қорақалпоғистонда тўнғич йигирув-тўқув фабрикаси ишга солинади. Республикада қувватли ёғ саноати вужудга келтирилади. Урушга қадар республикада ёғ чиқариш саноати йўқ эди. Кўнгирот ва Хўжайли заводлари маҳсулот бермоқда. Бешйиллик мобайнида яна икки завод қурилади. Мўйноқ ғўшт-балиқ консерва комбинати янги машиналар билан ускуналанади, эски балиқ заводлари қайтадан қурилади, янги балиқ заводлари қурилади. Балиқни қайта ишлаш 1940 йилдагига нисбатан икки баравар кўпаяди.

Қорақалпоғистон республикасининг бешйиллик планида пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. 1950 йилда ҳарбир гектар ердан 20 центнердан ҳосил олинмоғи керак. Ғўзани парваришн қилиш асосан тамомила механикалаштирилади. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам янада ривожлантирилади. Чорва моллари сони бир ярим марта кўпаяди.

Бешйиллик планда янги мактаблар, касалхоналар, театрлар, уй-жойлар қурилиши кўзда тутилади. Республикадаги болалар боғчаларида болаларнинг сони 1950 йилда 1940 йилдагига нисбатан деярлик уч марта кўпаяди.

Сессия 1946 йил учун Қорақалпоғистон АССРнинг маҳаллий бюджети тўғрисидаги Қонунни қабул қилди ва олтинчи ҳамда еттинчи сессиялар ўртасида Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Президиуми қабул қилган фармонларни тасдиқлади.

БИЛДИРИШ

1946 йил 19 сентябрьда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент Шаҳар Советининг XVIII сессияси чақирилади. Сессия Шаҳар ижроия комитетининг мажлислар залида (Сталин кўчаси, № 29) кеч соат 8—30 минутда очилади.

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

БУЮК БРИТАНИЯ ВАКИЛИ МАЖЛИСЛАРНИ ОШКОРА ОЛИБ БОРИШГА ЯНА ҚАРШИ ЧИҚМОҚДА*)

Буюк Британия вакили Бенетт бугун очиқдан-очиқ бундай деди:

«Жен кенг ошкорачиликни ёқлайман: броқ, илғи мажлислар ва комиссияларнинг мажлисларигина ошкора бўлиши керак. Кичик комитетда эса, биз тортинмай эркин фикр олишмоғимиз керак. Агар бу ерда айтилган ҳарбир сўз ошкора қилинадиган бўлса, англашилмовчилик ва довдираш юз бериши мумкин».

Совет делегациясининг вакили К. Новиков Британия вакилининг бу да'воларига қарши чиқди. У эслатиб ўтдики, қолган ҳамма комиссиялар ва кичик комитет ўз мажлисларини очиқдан-очиқ ўтказмоқдалар. Нима учун бу кичик комитет мустасно қилиниши керак? Бунинг учун ҳеч қандай асос йўқ. К. Новиков конференция белгилаган тартибот қоидаларига амал қилишни ва кичик комитет мажлисларидан матбуот вакилларини чиқариб юбормасдан, балки уларга кичик комитетнинг ишини тўла ёритиш имконияти берилишини таклиф этди. У айтдики, бундай тартиб жуда зарур бўлган айрим ҳолларда ёпиқ мажлислар ўтказишни истисно қилмайди.

Югославия вакили Пьяде Британия делегациясининг йўли мантиқсиз эканлигини уқдириб ўтди. «Британия вакили ошкорачиликни ёқлайди, лекин бу ҳозир биз ишлаб турган кичик комитет тажрибасида қўлланилиши шарт,—деди Пьяде.—Ъз Британия делегациясининг Триестда демократик ҳукумат тузиш тўғрисидаги фикрини эслатади. Британия делегацияси принцип жиҳатидан кенг демократик ҳукуматлар тузишни қўллайди, аммо, бунинг учун бир шарт қўяди, чунончи Триест кенг демократик ҳукумат тузадиган жой эмас, деди».

Сўнгра Пьяде айтдики, менинг фикримча, ошкорачиликдан қўрқиш керак эмас. Кичик комитет Эркин Триест территорияси низоми тўғрисида бенга ҳолатни кўриб чиқиши лозим. Аммо, провардида фақат битта низом тузилиши керак. Демак, кимдир биров ёки бераши лозим. Ён беручи киши нега ошкорачиликдан қўрқади? Иккинчи томондан, ён беришни истамаган киши ҳам бунинг учун ўз ҳукумати олдидагина эмас, балки жамоатчилик фикри олдида ҳам жавобгарликни ўз зиммасига олишга жур'ат қилиши керак.

Британия вакилининг таклифини ҳеч ким қувватламади. Броқ, ранслик қилувчи нидерландлар вакили Бусман бу масалани кичик комитет а'золари олдига қайта-қайта қўя берди. Провардида кичик комитет мажлисларининг ошкора ўтказиш, ўтказмаслик тўғрисидаги масалани кейинроқ кўришга қарор берилди.

Бу воқеа жуда ибратлидир. Бу воқеа шуни кўрсатадики, ба'зи делегациялар учун ошкора шароитда адолатсиз ва Ташқи ишлар министрлари кенгаши белгилаган асосий қоидаларга хилоф келадиган таклифларни ҳимоя қилиш осон эмас. Масалан, даставвал Эркин Триест территорияси тўғрисида Англия тақдим этган низом лойиҳаси ҳақида шуни айтиш мумкин. Бу низом лойиҳасининг энг муҳим қоидаси чинакам Эркин территория низомини эмас, балки мустамлака мамлакатлардаги усул идора низомини эслатади.

ВЕНГРИЯГА ДОИР СИЁСИЙ ВА ТЕРРИТОРИЯ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРУЧИ КОМИССИЯДА

ПАРИЖ, 14 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Венгрияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўруви комиссия кеча кечқурун сулҳ шартномаси лойиҳасининг Венгриядаги ҳамма фашист ташкилотларни тарқатиб юбориш масаласига тааллуқли моддасини кўра бошлади.

Чехословакия делегацияси шартномада, Венгрия чегараларини қайтадан қуришни тартиб қилишга барҳам бериш кераклиги ва Венгрия билан қўшни мамлакатларнинг ери ҳисобига Венгрия чегараларини кенгайтиришни тарғибот қилучи ҳамма ташкилотларни тугатиш зарурлиги ёзилсин деб таклиф этди. Чехословакия вакилининг уқдириб ўтишича, Венгрия чегараларини қайтадан қуришни талаб қилиш орзулари Венгрияда то ҳозирги кунгача сақланмоқда.

Югославия делегациясининг вакили Кардель сўзга чиқиб, Чехословакия делегациясининг таклифини қувватлади. У айтдики, Венгрия ҳукумати томонидан дастлаб Ташқи ишлар министрлари кенгашига, сўнгра Сулҳ конференциясига топширилган баёнот ва қўшимчалар Венгрия билан қўшни бўлган мамлакатларни ташвишлантиради. Бу ҳужжатларни ёзган кишилар, Венгрияда чегараларни қайтадан қуриш кайфиятлари Дунай ҳавзасида қандайдир «тартибсизлик ҳолати» натижасида юз берди деб ҳисоб қилишга уриналилар.

Венгрия ҳукумати шуни тушинишни керакки, деб давом этдиради ўз сўзини Кардель, Дунай ҳавзасидаги масалаларни ҳал этиш Дунай бўйидаги халқларнинг ўз ишидир. Броқ, Венгрия ҳукуматининг конференция муҳокамасига тақдим этган ҳужжатлари бутунлай бошқача руҳдадир. Венгриянинг йўлини Дунай ҳавзасида қандайдир илгариги Австрия—Венгрия монархиясига ўхшаш бир давлат тузиш тўғрисидаги таклиф деб тушиниш мумкин. Бунда фарқ фақат шуки, подшо вазифасини муайян халқаро молия доралари ўз зиммасига олиши керак.

Бу таклифлар Дунай ҳавзасидаги халқлар, шу жумладан венгр халқининг манфаатларига тамомила хилофдир,—деди Кардель.—Шу нарса ҳам равшанки, бундай сиёсатни юргизиш натижасида Венгрия эртами, кечми яна бошқа кучлар қўлида қурол бўлиб қолади. Сўнгги урушда Венгрия бошқалар қўлида худди шундай қурол бўлган эди. Ана шунинг учун Югославия делегацияси Чехословакиянинг юқорида айтилган таклифини қувватлайди. Биз Венгрия ҳукумати Дунай ҳавзасидаги мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан яқин ҳамкорлиги Дунай мамлакатлари ўртасидаги дўстона алоқа ва битимлар бўлган тақдирдагина мумкин эканлигини тушиниб олур деб ишонамиз. Дунай ҳавзасидаги мамлакатлар ана шундай иқтисодий ҳамкорликни ўрнатишга интилмоқдалар. Шу сабабдан бу мамлакатларнинг ички сиёсатида ҳам бундай ҳамкорликка халақит берадиган нарсалардан сақланиш зарур.

БУЛҒОРИЯ БЛАН ТУЗИЛАДИГАН СУЛҲ ШАРТНОМАСИНИ ҚЎРУЧИ КОМИССИЯДА

ПАРИЖ, 14 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Булғорияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўруви комиссиянинг кеча кечқурун бўлган мажлисининг кун тартибига Булғория билан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг Булғория чегарасини белгилайдиган биринчи моддаси қўйилган эди.

Комиссия раиси Киселёв (Белоруссия) бу моддага Булғория делегацияси ўз таклифларини киргизди. Бу таклифлар тартибот қоидаларида белгиланган муддатларда топширилди, деди. Греция делегацияси таклиф этган тузатиш ҳам бор. Лекин бу таклиф тузатишлар киритиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин топширилган. Бу тузатишларни кўриш тартибини муҳокама қилгандан кейин, комиссия раиси бу тўғрида конференциянинг бош секретари блан маслаҳатлашиш зарур эканлигини айтди.

Шу блан раис комиссиянинг мажлисини ёпди. Лекин бир гуруҳ вакиллар ўтакетган беадаблик қилдилар. Мажлис ёпилгандан кейин комиссия а'золари, таржимонлар, секретарьлар, журналистлар залдан чиқиб кета бошлаганда, Австралия вакили Ходсон, «биз қоламиз ва мажлисни давом эттирамиз» деб қичқирди. Греция вакили, Америка Қўшма Штатлари вакили ва бошқа ба'зи вакиллар уни қувватладилар. Лекин бундай беадаблик натижа бермади. Грециянинг тузатиши тўғрисидаги масала келгуси мажлисда кўрилади.

ХАРБИЙ КОМИССИЯ МАЖЛИСИДА АЛБАНИЯ ВАКИЛИНИНГ СЎЗИ

ПАРИЖ, 14 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Ҳарбий комиссиянинг бугунги мажлисида Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг ҳарбий моддалари кўрилиши муносабати блан Албания вакилининг баёноти эшитилди. Албания вакили совет ва Югославия делегацияларининг зўр бериб қўллаши орқасида комиссия мажлисида чиқиб гапириш ва ўз фикрини изҳор қилиш имконига эга бўлди.

Шуни айтиш керакки, конференцияда қатнашаётган ба'зи мамлакатларнинг делегациялари Албанияга нисбатан кўпинча адоват кўзи блан қараб келадилар, ҳолбуки, Албания халқи фашист агрессорларга қарши қаҳрамонларча курашган эди. Греция вакили Цалдарис бу соҳада айниқса зўр бериб ўринди. Цалдарис Албаниянн босқинчилик сиёсатида айблаб, қайта-қайта қўйишқондан ташқари қўпол гапларни айтди, ҳолбуки бундай айбни Грециянинг ҳозирги ҳукумати бўйнига қўйиш ма'қулроқ эканлиги ма'лум.

Албания вакили тартибот қоидаларига мувофиқ, конференция мажлисида қатнашиш учун чақирилган эди. Италияга доир иқтисодий масалаларни кўруви комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган мажлисларидан бирида Греция вакили Албания делегациясининг мажлисларда дўст мамлакатларга берилган ҳуқуқ асосида қатнашувига қарши газабланиб э'тироз билдирди.

Албания делегациясини ҳарбий комиссия мажлисига чақириш масаласи кўтарилганда бу комиссияда ҳам Албания ҳатто илгариги душман давлатлардан кўра пастроқ ўринга қўйиш йўлидаги уринишлар яна такрорланди. Буюк Британия вакили Александер Албания вакилларининг фикрини эшитишга эзрурот йўқ, чунки, «улар бирор янги гап айтолмасалар керак» деди. Александернинг ўзи шундан бир кун илгари душман мамлакат бўлмиш Италия вакилларининг сўзини эшитишга астойдил тарафдорлик қилган Буюк Британия вакилининг Албания делегацияси ҳақидаги бу талаби жуда ғалати туйилди.

Совет вакили Славин бунга комиссиянинг э'тиборини жалб этиб, қуйидагиларни айтди: «Бизлар, илгариги душман мамлакатнинг фикрини эшитганимиз ҳолда, фашизмга қарши курашган мамлакатнинг вакилларига нима учун сўз беришни истамаймиз? Бу, демократиянинг янги принципларими?...».

Югославия, Австралия, Чехословакия вакиллари ҳам ўз сўзларида Албания делегациясининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар.

Масала, жуда равшан эканлигига ва Албания делегациясининг ўз фикрларини айтиш учун ҳамма ҳуқуқларга эга бўлишига қарамай, Америка Қўшма Штатларининг вакили вице-адмирал Конолли Британия вакилининг таклифини қувватлашга уриниб кўрди. У, Албания делегациясининг комиссия мажлисига чақиришга қарши э'тироз билдирмасам ҳам, Албания делегациясининг сўзини муайян масалалар блан чеклашни истар эдим, деди.

Бу таклиф Албания делегациясининг ҳуқуқларини менсимасликдан иборат эди. Шу сабабдан комиссия а'золарининг кўпчилиги бу таклифга қарши чиқдилар. Шунисн қизиқки, ҳатто, Австралия ва Жанубий Африка Иттифоқи делегациялари ҳам бу сафар Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари вакилларининг таклифларига қарши чиқдилар.

Комиссия Албания делегациясининг фикрини сра чекламай эшитишга мутлақ кўпчилик овоз блан қарор қилди.

Бугун Албания вакили полковник Хисни Капо Италия блан тузиладиган судҳ шартномаси лойиҳасининг ҳарбий моддалари ҳақида Албаниянинг фикрини комиссия а'золарига эшитдирди. Хисни Капо фашистлар Италиясининг ўтган урушда ва айниқса Албанияга ҳужум қилишда ўйнаган ролини та'кидлаб бундай деди: Албания кўп йиллар давомида Италия агрессиясининг қурбони бўлди. Албания делегацияси Албаниянинг суверенитетини сақлаш ва келажакда Италия томонидан бўладиган ҳарқандай тажовузнинг олдини олиш мақсадида, Италиянинг қуролли кучларини чеклаш — Албания чегараларининг хавфсизлигини та'мин этадиган энг яхши шарт, деб ҳисоблайди.

У айтдики, Италия Албанияни босиб олгандан кейин у, Албаниянинг бутун ҳарбий материаллари ва қуролларини тортиб олди. Албания буни э'тиборга олишни ва судҳ шартномаси лойиҳасининг 58-нчи моддасига мувофиқ, агрессорнинг илгари тортиб олган ҳарбий материалларни Албанияга қайтариб беришини сўрайди. Албан халқи фашист босқинчилар ва золимларга қарши олиб борган фидокорона курашида ана шу ҳуқуққа эга бўлди. Албан халқининг умумий душман устидан ғалаба қозонишга ўз ҳиссасини қўшганлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Албания вакилидан кейин Югославия вакили адмирал Манола чиқиб сўзлади. Адмирал Манола Албания вакилининг фикрини батамом қувватлади.

ИНГЛИЗ ВАКИЛЛАРИ КЕМА ЭГАЛАРИ УЧУН АЛОҲИДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, 14 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Румония, Булғория, Венгрия ва Финляндияга доир иқтисодий масалаларни кўруви комиссия Румония блан тузиладиган судҳ шартномаси лойиҳасига қўшимча қилинган иловани қараб чиқишни давом эттирмоқда. Бу иловада мол-мулкларнинг ба'зи хилларига тааллуқли бўлган махсус қарор бор.

Комиссия сўнгги икки мажлисида инглиз делегациясининг мазкур иловага кемалар қатновига доир махсус бир боб қўшиш ҳақидаги таклифини қараб чиқди. Инглиз делегацияси страхование ишига доир бошқа таклифни киргизган вақтда Румнияда ажнабий саноатчиларининг ма'лум бир гуруҳи учун алоҳида имтиёзли шароит вужудга келтиришга уринган каби, бу сафар кема эгалари учун имтиёзли шароит вужудга келтиришга интилмоқда.

Инглиз делегациясининг таклифи Румония блан тузиладиган судҳ шартномаси лойиҳасининг 24-нчи моддаси юзасидан комиссия қабул қилган қарорларга хилофдир. Бу моддада Бирлашган миллатлар ва уларга қарашли гражданларнинг Румониядаги мол-мулкларини ҳозирги вақтда қандай аҳволда бўлса, шундай аҳволда қайтариб бериш кераклиги кўзда тутилади. Инглиз делегацияси бу принципга қарши чиқиб, шикастланган кемалар ремонт қилинсин, нобуд бўлган кемалар ўрнига янгилари берилсин, Румония ҳукумати Румониянинг ўзида кемалар қуриш ва ремонт қилиш имконига эга бўлмаса,уларни чет эллардаги кемасозлик ишхоналарида ремонт қилиш ёки қуриш керак, я'ни Румония ҳукумати буларнинг ҳақини ажнабий валюта блан тўлаши лозим, деб талаб этади. Бундан ташқари, Румония ҳукумати кемалардан фойдаланмаганлик ва кема эгаларининг бой берган фойдалари учун кема эгаларига ҳақ тўлаши лозим экан, бу ҳақ кемалар Румония контроли остида бўлган бутун давр ҳисобидан, шу жумладан иттифоқчилар бош қўмондонлиги бу кемалардан Германияга қарши урушда фойдаланган давр ҳисобидан ҳам тўланиши керак экан.

Совет Иттифоқи вакили Герашченко айтдики, совет делегацияси инглиз делегациясининг таклифини мутлақо мақбул эмас деб ҳисоблайди, чунки кемаларнинг эгалари Бирлашган миллатларнинг Румония территориясида бўлган бошқа мулклари эгаларига нисбатан нима учун алоҳида имтиёзли шароитда бўлиши кераклигини тушиниш қийин. Герашченко шуни эслатиб ўтдики, Бирлашган миллатларга қарашли гражданларнинг мол-мулкларига етказилган зарарни ундириб олиш масаласи муҳокама қилинган вақтда, кўп делегациялар, шу жумладан инглиз делегацияси ҳам Румония ҳукумати зарарларни маҳаллий валюта блан тўлаши лозим деган принципни ма'қуллаган эдилар. Бу чора Румониянинг мушкулини ма'лум даражада осон қилади деб топилган эди. Аммо, инглиз делегацияси принципларни ма'қуллагани ҳолда, эндиликда кема эгаларининг манфаатлари тўғрисида ган борган чоқда ана шу принципларни унутиб қўймоқчи бўлади. Комиссия томонидан қараб чиқилаётган инглиз лойиҳасига Америка Қўшма Штатлари ва Франция делегацияларининг мулоҳазалари илова қилинган. Улар бу мулоҳазаларида агар судҳ шартномасига «Бирлашган миллатлар кемалари» деган тушинча киргизиш мақбул деб топилса, ана шундай иловани қўшиш зарур деб ҳисобламайдилар. Совет делегацияси бундай та'бирга умуман зарурат йўқ деб ўйлайди. Аммо,—деди Герашченко,—Америка Қўшма Штатлари ва Франция делегацияларн бу масалани муҳокама қилишни талаб этсалар, совет делегацияси уни қараб чиқишга тайёрдир. Инглиз таклифига келганда шуни айтиш керакки, бу таклиф мақбул эмас, чунки у белгиланган принципга хилоф бўлиб, саноатчиларнинг муайян бир гуруҳига ўринсиз имтиёзлар берилишига сабаб бўлади.

Греция ва Голландия вакиллари инглиз делегациясининг таклифини қувватладилар.

Бу масаланинг шундан кейинги муҳокамаси комиссиянинг навбатдаги мажлисига кўчирилди.

ТРИЕСТ МАСАЛАСИНИНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ

ПАРИЖ, 14 сентябрь (ТАСС махсус мухбиридан). Италияга доир сиёсий масалалар ва территория масалаларини кўруви комиссиянинг мажлисларида Эркин Триест территорияси тўғрисидаги низом муҳокама қилиш давом этди. Ҳозирги вақтда ма'лум сабабларга кўра, бу масала конференция қатнашчиларининг э'тиборини кўпроқ жалб этмоқда.

ПОЛЬША ВАКИЛИ ВИНЕВИЧ СЎЗИ

Польша вакили Виневич Эркин Триест территорияси ҳақида совет делегацияси томонидан тақдим этилган низом лойиҳасини, шунингдек Югославия делегацияси тақдим этган таклифни қувватлади. Польша вакили бу масалада Данциг-нинг аччиқ тажрибасини мисол қилиб келтирди. Энг катта хатолик шундан иборат эдики, эркин Данциг шаҳри блан Германия ўртасидаги алоқа тамомила йўқ қилинмаган эди. Бу алоқа дахлсиз ҳолда қолдирилган эди, бу ҳол немисларга мазкур шаҳарни ўзларининг жиноий сиёсатларини амалга оширадиган бир майдонга айлантиришлари учун имкон берди. Виневич Триест тўғрисидаги масалада ана шундай хатоликни такрорламасликка ва Триестнинг Италия блан алоқасини тамомила узишга чақирди.

Триест аҳолисининг манфаатлари ва шунингдек тинчлик манфаатлари нуқтаий назаридан Эркин Триест территорияси блан Югославия ўртасида жуда маҳкам алоқа ўрнатиш зарур. Бу шаҳарнинг келажакдаги тараққиёти Югославияга боғлиқдир. Шу сабабдан Эркин Триест территорияси блан Югославия ўртасида жуда маҳкам иқтисодий алоқа бўлиши керак. Совет делегациясининг лойиҳасида кўрсатилганидек, алоқа йўллари Эркин Триест территорияси ва Югославия томонидан биргаликда тайинланадиган ма'мурият ихтиёрига топширилиши керак. Эркин Триест территориясининг тузук ривожланиши учун Триестнинг умумий пул системасини — Югославиянинг пул системаси блан бир хил қилиш зарур. Шаҳарни муваффақиатли ривожлантириш учун Эркин территория блан Югославия ўртасида таможна иттифоқи ҳам ўрнатилиши лозим.

Шундан кейин Польша вакили Эркин Триест территорияси ма'муриятига ажнабий давлатлар блан алоқа қилиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги таклиф устида тўхталиб ўтди. Польша делегациясининг фикрича, бу ҳуқуқ Югославия ихтиёрига берилиши керак, чунки акс ҳолда, Эркин Триест территориясини янги мустақил давлатга айлантириш хавфи пайдо бўлиши мумкин ва бу ҳол шубҳасиз хавф туғдирган бўлур эди. Порт ма'муриятн кимнинг қўлида бўлади деган масалани ҳал этиш ҳам жуда муҳимдир.

УКРАИНА ССР ВАКИЛИ ПЕТРОВСКИЙ СЎЗИ

Украина делегациясининг вакили Петровский айтдики, Триестнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари Эркин территория ҳақидаги низомга бирданча қоидалар қўшишни зўр бериб талаб этади. Бу қоидалар мазкур территориянинг иқтисодий жиҳатдан юксалишини та'мин эта олади.

Украина вакили бундай деди: Бу ерда Триестнинг Югославия блан иқтисодий алоқаларига доир кўп ишончли далиллар келтирилди ва бу алоқаларнинг Триест экономикаси учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилди. Триестнинг экономикасига ва унинг савдо-сотиқ ишларига таможна та'рифлари каби сунъий тўсиқ ва ғовлар вужудга келтирилса, бу ҳол жуда ёмон оқибатларга сабаб бўлур эди. Шу сабабдан, Украина делегацияси Эркин территория ҳақидаги низомга бу территориянинг Югославия таможнаси чегараларига қўшиш ҳақидаги модда илова қилиниши керак деб ҳисоблайди. Француз делегациясининг Саар ҳақидаги таклифида кўрсатилганидек Триест блан Югославия ўртасида ҳам таможна иттифоқи ўрнатиш лозим. Бу шарт Триест учун жуда муҳим ижобий аҳамиятга эга бўлур эди,— у Триестнинг Болқон мамлакатлари блан ва Марказий Европадаги мамлакатлар блан савдо-сотиқ алоқасини енгиллаштиришга бўлур эди. Ниҳоят, таможна иттифоқи Триест саноатининг маҳсулотини Югославияга сотишга имкон берган бўлур эди, Югославия моллариниг ҳам Триестга келишини енгиллаштирган бўлур эди.

Америка Қўшма Штатлари делегациясининг таклифида Триестдаги маҳаллий савдони ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида гапирилади. Аммо, бу таклиф фақат маҳаллий савдога жуда оз ёрдам бериши мумкин. Бу таклиф Триестнинг Югославия блан бўладиган савдо алоқалари тўғрисидаги масалани ҳал этмайди. Украина делегацияси Эркин территория блан Югославия ўртасида таможна иттифоқини ўрнатиш ва Триестни Югославиянинг таможна чегараларига қўшиш Триест савдосини ривожлантириш учун энг мақбул йўл бўлади деб ҳисоблайди.

Украина делегациясининг иккинчи таклифи Эркин Триест территориясидаги темир йўлларни идора қилиш масаласига тааллуқлидир. Бу темир йўллар Эркин Триест территориясини Австрия ва Чехословакия блан боғлайди. Украина делегацияси Триест тўғрисидаги низомга Эркин территориядаги темир йўлларнинг Югославия темир йўллари блан маҳкам узвий алоқаси ҳақидаги қоида бўлсин, деб таклиф этади.

Эркин Триест территорияси Югославия блан ягона пул системасини ўрнатганида, бу чора Эркин Триест территориясининг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди. Триестда алоҳида пул системаси бўлиши учун етарли асос йўқ. Эркин Триест территориясида алоҳида пул системаси бўлса, пулнинг курси кескин суратда ўзгариб турган бўлур эди ва шу муносабат блан Триест экономикасини мустаҳкамлаш иложи ҳам бўлмас эди. Шу сабабдан, Украина делегацияси Триест тўғрисидаги низомга Югославия блан умумий бир пул системаси белгилаш ҳақидаги модцани қўшишни таклиф этади.

Низомдаги сиёсий моддаларга келганда, Украина делегацияси Югославия ҳукумати Эркин территория помидан чет эллар блан алоқа қилиши ва бошқа мамлакатларда бу территория гражданларининг манфаатларини ҳимоя қилиши зарур деб ҳисоблайди.

Шундан кейин совет делегациясининг бошлиги Молотов нутқ сўзлади. Молотов Триест масаласи ҳақида батафсил ва мазмунли нутқ сўзлади ва бу масаланинг ҳозирги халқаро аҳволнинг асосий масалалари блан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Совет делегацияси бошлигининг нутқи зўр э'тибор блан тингланди.

МЕДИЦИНА МУАССАСАЛАРИНИ ҚИШГА ТАЙЁРЛАЙЛИК

Илгари Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишлари ачинарли ҳолда эди. Турли касалликларнинг кўплиги устига, санитария ва гигиенага риоя қилинмас, врачлар ва касалхоналар бармоқ блан санарли эди. Фақат совет ҳокимияти давридагина меҳнаткашларга чинакам медицина ёрдами берила бошлади. Ўзбекистонда революциягача 40 та врач ишлаган бўлса, ҳозир врачлар сони уч мингдан ортиқ. Ювлаб шифохоналар бор.

Партия ва ҳукуматимиз, шахсан ўртоқ Сталин меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш ҳақида жуда катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Тўртинчи сталинча бешйиллик планда соғлиқни сақлаш ишлари янада ривожланади, совет халқининг талабларини а'ло даражада қондириш имконига эга бўламиз.

ЎзССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида Ўзбекистоннинг бешйиллик плани ҳақида Қонун қабул қилинди. Бу Қонунда республикамизда соғлиқни сақлаш ишлари учун катта маблағлар ажратилган. Фақат 1946 йилнинг охиригача бу мақсадга қарийб 15 миллион сўм ажратилди. Қонунда медицина ходимларининг олдидаги энг муҳим вазифалар ҳам кўрсатилган. Давлат томонидан ажратилган бу маблағлар ҳарқанча кўплигига қарамай, соғлиқни сақлаш ишларининг ривожланишида бутун совет жамоатчилигининг, аҳолининг кўмаги керак.

Республикамиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларини —қишлоқ даволаш участкалари, касалхона, туғруқхона, амбулатория, поликлиника, санитария пунктлари, тропик станциялар, шунингдек, ясла, бола боғчалари, консультациянхоналар ва бошқаларни қишга тайёрлаб қўйиш — ҳозирги муҳим вазифалардан биридир. Бу ишда партия, совет ташкилотлари, бутун жамоатчилик, завод-фабрикаларнинг ма'мурнятлари, қишлоқ советлари ва колхозлар яқиндан ёрдам беришлари керак.

Медицина муассасаларини қишга тайёрлаш —биноларни ремонт қилиш, улар учун керак миқдорда ёқилғи ва озиқ-овқат, саб-завот ҳозирлаш, етишмаган асбоб-анжомлар блан та'минлашдан иборатдир. Бу ишларни 15 октябрьгача бажаришимиз зарур.

Республикамизда медицина муассасаларини қишга тайёрлашга ба'зи районларда июль-август ойларидаёқ киришилган эди. Масалан, Наманган областидаги 27 касалхонанинг 15 тасида, 38 яслининг32 тасида ва 48 поликлиника ва амбулаторияниинг 41 тасида ремонт августдаёқ бошланди. Областъда бирданча ўтин ва кўмир тайёрланди. Бошқа областьларда ҳам ремонт қисман бошланган бўлса ҳам, ҳозирги кунда умуман тайёргарлик ишлари бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу масалада маҳаллий ташкилотлар, биринчи галда район соғлиқни сақлаш бўлимлари чидаб бўлмайдиган даражада сустлик қилмоқдалар.

Шуларни ҳисобга олиб ва қишга тайёргарлик ишларини тезлатиш ҳамда аҳолига медицина хизматини яхшилаш мақсадида, ЎзССР Министрлар Совети махсус қарор чиқарди. Бу қарорга кўра, Ўзбекистондаги барча совет ва хўжалик ташкилотларининг зиммасига қатор вазифалар юклатилди.

Даставвал, шу кунларда даволаш ва болалар муассасаларининг биноларини банд қилиб турган бошқа ташкилотлар шу биноларни бўшатиб беришлари, уларни ремонт қилиб, Соғлиқни сақлаш министрлигининг эҳтиёрига топширишлари керак. Бундай биноларнинг республикамизда анчагина топилади. Масалан, Тошкент шаҳридаги 12-нчи болалар консультациянхонасининг биносини милиция идораси эгаллаган. 5-нчи сон болалар поликлиникасининг биносини Куйбишев район ЗАГСи, битта болалар поликлиникаси, 2 та ясла ва бир гўдаклар уйини ижарачилар банд қилган. Тошкент областидаги 8-нчи Март болалар санаторнясини «Электрокабель» заводи, Қаршидаги бир неча яслани бошқа идоралар эгаллаб турибти. Шеробод, Наманган, Фориш, Пойариқ, Фарғона, Китоб ва бошқа районларда ҳам соғлиқни сақлаш идораларига қарашли биноларлан фойдаланилмаётир.

Капитал ёки жорий ремонт талаб қиладиган биноларни ёгингарчилик бошланганига қадар ремонтлан чиқариб, зарур миқдорда асбоб-ускуна, мебель ва идиш-товоқлар блан та'минлаш керак. Саноат корхоналари ва оталик ташкилотлари бу соҳада кўп ёрдам бера оладилар. Айниқса совда ташкилотлари медицина муассасаларига яхши хизмат қилишлари керак.

Ҳозир область, шаҳар, район ва қишлоқларда меҳнаткашлар депутатлари советларининг сессиялари ўтказилмоқда. Бу сессияларда медицина муассасаларини қишга тайёрлаш масаласи алоҳида муҳокама қилинмаяпти. Бу ишга ёрдам бериш учун Тошкентдан 10 та раҳбар ходим областьларга чиқариб юборилди.

Соғлиқни сақлаш министрлиги бирқатор тадбирларни белгилади. Яқин вақтларда республиканинг барча қишлоқ даволаш участкалари малакали врачлар блан та'минланади. 1946 йилнинг IV кварталида касалхоналардаги ҳарбир кроватьни 3 донадан кўрпа-ёстиқ, чойшаб, сочиқ ва ички кийимлар блан та'минлаш чоралари кўрилаётир. 1946 йилнинг охиригача медицина муассасаларини, болалар консультациянхоналари ва гўдаклар уйларини зарур миқдорда дориворлар, медицина асбоб-ускуналари ва юмшоқ мебеллар блан та'минлашимиз керак.

Маданий ташкилотларга ёрдам бериш, яхши тажрибаларни ўртоқлашиш—халқимизнинг ан'анаси бўлиб қолган. Партия ва совет ташкилотлари халқ ташаббусига бошчилик қилишга катта тажрибага эгалар. Август ойида ўтказилган мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ойлигининг ижобий тажрибаларидан фойдаланиб, медицина муассасаларини қишга намунали тайёрлаш — бугунги кунининг асосий вазифаларидан биридир.

Х. ҒОФУРОВ
ЎзССР Соғлиқни сақлаш министри.

*) Босни «Қизил Ўзбекистон»нинг кечаги сонида босилган.

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ТРИЕСТ НИЗОМИ ВА АСОСИЙ МАСАЛАЛАР

Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссиянинг мажлисида В. М. МОЛОТОВнинг 14 сентябрьда сўзлаган нутқи

Раис жаноблари, жаноб вакиллар!

Эркин Триест территориясининг давлат тузуми тўғрисидаги масала муҳим принципиал ва амалий аҳамиятга эга.

Триест низомини тайёрлаш учун бизда асос бор эканлигини биласиз. Бу асос тўрт министрнинг 3 июльда чиқарган қарорида белгиланган. Бу қарорда Эркин Триест территориясининг чегаралари белгиланган; территориянинг бутунлиги ва мустақиллиги Хавфсизлик Кенгаши томонидан та'минланади, деб э'тироф этилган, умумий принциплар ҳам белгиланган, ҳокимият органлари шу принципларга асосланиб тузилиши лозим.

Шундай бўлса ҳам, Ташқи Ишлар Министрлари кенгаши томонидан Триест низомини ишлаб чиқиш учун сайланган комиссия бир фикрга келмади. Бизга бир томондан, инглиз, америка ва француз делегацияларидан бир-бирига анча яқин бўлган уч лойиҳа тақдим этилди. Иккинчи томондан, совет ва югослав делегациялари тақдим этган бошқа икки лойиҳа бор. Бу лойиҳаларда ҳам бирхил моддалар озмунча эмас: Конференция бу лойиҳаларни муҳокама қилиши ва Триестнинг низоми тўғрисида ўз фикрини билдириши керак.

Триестнинг давлат тузуми тўғрисидаги масалани ҳал этишга ҳархил нуқтаий назардан киришиш мумкин. Аммо, бизнинг бу территориянинг ҳаммасини Бирлашган миллатлар ҳомийлиги остига қўйишни кўзда тутганлигимизни эсда тутишимиз керак. Демак, Триестдаги давлат ҳокимиятини ташкил этиш принциплари Бирлашган миллатларнинг асосий мақсадларига мос келиши лозим.

Эркин Триест территориясини мандат асосида идора қилинаётган бир территория деб қараш ярамайди. Бу территорияга Хавфсизлик Кенгашининг ўзига хос мустамлакаси деб қараш янада кўпроқ ярамайди. Биз ўз олдимизга қўйишимиз лозим бўлган мақсад равшандир, бу мақсад Триест аҳолисининг тинч яшаши ҳамда қўшни ва бошқа халқлар блан яхши муносабатлар ўрнатишдан иборат.

Эркин территорияни қандайдир бир мустамлака ёки ярим мустамлака деб қарашимиз нотўғри бўлур экан, биз унга бирор давлатнинг ёки ҳатто Хавфсизлик Кенгашининг ҳарбий базаси деб ҳам қарамаслигимиз лозим. Триестни Болқонлардаги қуролли кучларнинг кимнингдир янги базасига айлантириш мумкин эмас. Бу—Триест аҳолисининг манфаатларига ҳам, Бирлашган миллатлар манфаатларига ҳам тўғри келмас эди. Триест муҳим савдо порти эканлигини ва у халқаро савдони ривожлантиришда ўзининг катта ролини бажариши лозим эканлигини ҳамма э'тироф этади.

Совет делегациясининг таклифи тўрт министр қабул қилган қарорга асосланади. Менинг вазифам, айниқса бошқа делегацияларнинг тақдим этган лойиҳалари муносабати блан шу масалада Совет делегациясининг фикрларини тушинтириб беришдан иборат.

I.

Ҳокимиятни ташкил этиш ва демократизм

Триестда ҳокимиятни ташкил этиш асослари — биринчи муҳим масаладир. Триестда ҳокимият кимларнинг қўлида бўлиши керак: халқнинг қўлидами ёки губернаторнинг қўлидами? Конференцияга тақдим этилган лойиҳалардаги асосий ихтилофлар шу масалада келиб чиқди.

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг қарорида айтилишича «қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият демократик асосларда белгиланади, шу жумладан умумий сайлов ҳуқуқи амалга оширилади». Шундай қилиб, Триестда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият кимнинг қўлида бўлиши керак эканлиги аниқ-равшан айтилади. Қарорда аниқ ма'лум бўлишича, бу ҳокимият Триест халқининг қўлида бўлиши керак ва бу ҳокимият демократик асосларда ташкил қилиниши лозим.

Бу қарорда Триест губернатори қандай вазиятда бўлиши керак эканлиги ҳам айтилади. Қарорда «губернатор Югославия ва Италия блан маслаҳатлашилганидан кейин, Хавфсизлик Кенгаши томонидан белгиланади» дейилади. Бундан ташқари бу қарорда айтилишича губернатор ҳар йили Хавфсизлик Кенгашига доклад топшириб туради». Шундай қилиб, губернаторнинг вазифаси, ўрни ҳам тамомила аниқ белгиланади.

Лекин шунга қарамай, инглиз делегациясининг лойиҳасига мувофиқ бутун ҳокимият губернатор ихтиёрига топширилади. Америка делегацияси лойиҳасининг ма'носи ҳам шундай, француз делегацияси лойиҳасининг ма'носи ҳам бирмунча шундай. Триестдаги сиёсий аҳволнинг кескин бўлганлиги ҳақидаги ҳарқандай мулоҳазаларни бунга асос қилиб келтирадилар. Бу ерда демократик идораларни ҳозирча жорий қилиш керак эмас, бу территорияда демократик принципларни келгусида амалга ошириш керак деб айтадилар. Англия, Америка ва Франция делегацияларининг лойиҳалари Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг қарорига хилоф равишда губернатор Триестнинг хўжайини бўлсин деб талаб қиладилар. Бирхил сиёсий йўл шундан иборат.

Шу нуқтаий назардан қараганда Триестда губернаторнинг ҳуқуқлари нимадан иборат бўлиши керак?—деган масала пайдо бўлади.

Инглиз делегациясининг лойиҳасида ана шу ҳуқуқлар тўғрисида батафсил гапирилади. Бу лойиҳада айтилишича, ҳукумат кенгаши раис—губернатордан, губернатор ўринбосаридан, порт директоридан ва айни ўша губернаторнинг розилиги блан Эркин территория Ассамблеяси томонидан тайинланадиган уч кишидан иборат бўлади. Бу лойиҳада яна айтилишича, губернатор, губернатор ўринбосари ва порт бошлиғи Триест гражданларидан эмас ва Югославия ҳамда Италия гражданларидан эмас, балки бошқа давлатларнинг гражданларидан тайинланиши лозим. Шундай қилиб, Триест ҳукумати а'золарининг ярми ажнабийлардан иборат бўлсин, деб таклиф қилинади. Сўнгра, инглиз делегациясининг лойиҳасида айтилишича, губернатор бошқа мамлакатлар блан бўладиган алоқалар учун, умумий тартиб ва хавфсизликни сақлаш учун жавобгардир, губернатор ҳукумат кенгашининг а'золарини бўшатиш ва бошқа а'золарни тайинлашни Ассамблеяга тавсия қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари, инглиз делегациясининг лойиҳасида яна айтилишича, ма'мурий лавозимдаги кишиларнинг ҳаммаси губернаторнинг фармойиши блан тайинланади ва бўшатилади, губернатор суд органларининг а'золарини бўшатаолади, губернатор ҳарқандай қонунни бекор қилиш, ма'мурий тартибда чиқарилган ҳарқандай фармойишни бекор қилиш ва қонун кучига эга бўлган буйруқларни чиқариш ҳуқуқига эгадир. Губернатор бошқа давлатлар блан битим тузиш, халқаро миқ'ёсда ҳар томонлама битим тузиш ва шу сингари ишларни бажаришга ҳам вакил қилинади. Инглиз делегациясининг лойиҳасига мувофиқ, бутун ҳокимиятнинг губернатор ихтиёрига берилишини кўриб турибсиз. Америка делегациясининг, Франция делегациясининг лойиҳаларида ҳам тахминан шу гаплар айтилади.

Шу хилдаги лойиҳаларни тайёрлаш учун нимадан нусха кўтарилди, деган савол пайдо бўлади.

Шу муносабат блан, Британия мустамлакаларида кўриш мумкин бўлган аҳвол шубҳасиз кишини қизиқтиради. Британия мустамлакаларидаги губернаторларга худди шундай ҳуқуқлар берилган.

Масалан, Ҳиндистоннинг генерал-губернатори айни замонда қирол ноиби бўлиб, ўзи истаган вақтда Министрлар кенгашининг мажлисларига раислик қилади, министрларнинг ўзлари эса айни шу генерал-губернатор томонидан тайинланади. Ҳарқандай қонунга рози бўлиш ёки рози бўлмаслик генерал-губернаторга боғлиқдир, шу блан бирга генерал-губернатор ўз фикрича, вазият тақозо қилган ҳарқандай фармойишни халққа э'лон қила олади. Полиция ва хавфсизлик органлари Ҳиндистон генерал-губернаторининг ихтиёрида турипти. Ҳиндистоннинг айрим вилоятларида ҳам губернаторларга шундай ҳуқуқлар берилганлигини айтиб ўтиш керак.

Бошқа бир мисолни олиб кўрингиз. Ғарбий Африкада Британиянинг Олтин Қирғоқ деган мустамлакаси бор. Олтин Қирғоқ губернатори қонун чиқарувчи маҳаллий кенгашнинг қарорини тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик ҳуқуқига эгадир. Губернатор мустамлака ма'муриятининг олий раҳбаридир. Амалдорлар қирол томонидан тайинланган бўлмаса, губернатор уларни амаллардан бўшатаолади. Олтин Қирғоқ мустамлакасининг маҳаллий ҳукумат вазифасини бажарувчи ижроия кенгаши губернаторнинг раислигида ишлайди ва шуни айтиш кераки, бу ижроия кенгаши ҳам олти кишидан иборат. Триестдаги ҳукумат кенгашининг ҳам олти кишидан иборат бўлиши таклиф қилинади.

Юқорида айтилганлардан ма'лумки, Триест губернаторининг вазияти Ҳиндистондаги генерал-губернаторнинг аҳволига ёки Африкадаги Олтин Қирғоқ мустамлакаси губернаторининг аҳволига ўхшайди. Бу аҳвол Эркин Триест территорияси учун муносиб бўладими, деган савол пайдо бўлади. Триест губернаторига шундай ҳуқуқлар берсак, қандай аҳвол юз беради. У ҳолда Эркин территория ўрнига губернатор территориясига ўхшаш бир нарса, Эркин Триест ўрнига губернатор қўл остидаги Триест пайдо бўлмайдими? Фикримча, бундай хавф бор. Совет делегацияси Британия мустамлакаларидаги идора усули тажрибасини Триестга кўчиришга қарши э'тироз билдиради. Бу табиий бир ҳол.

Триест масаласида лорд Керзоннинг Ҳиндистон тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қиладиган бўлсак, нотўғри бўлади. Биз, бундай сиёсий қўлланмага хайрихоҳлик блан қарай олмаймиз. «Жанубий Африка Иттифоқи»нинг ма'лум ташкилотчиси Сесиль Родснинг фикрлари ҳам бизга ётдир, Сесиль Родс бундай деган эди: «Ёш болага қандай муомала қилинса, ерли халқларга ҳам шундай муомала қилиш керак, уларга арақ бериш мумкин бўлмагани каби, сайлов ҳуқуқларини ҳам бериш ярамайди. Биз, Ҳиндистондаги каби мустабид усул идорани амалга оширишимиз керак, бу усул Ҳиндистонда яхши натижалар берди». Ана шундай қулдорлик мафкураси блан Триестга бориш ярамайди. Совет делегацияси бу нарсанинг ҳаммамизга аён бўлиб қолишини истар эди.

Буларнинг ҳаммаси Британия делегациясининг таклифи демократизмнинг бошланғич принципларига муносиб эмас эканлигини кўрсатади. Бу ерда сўзга чиққан Британия вакили совет лойиҳасининг мафкуравий жиҳатдан кишиларни ўзига жалб этишига кам баҳо бермайман, аммо бу лойиҳа гўё Триестдаги ҳақиқий ҳолатга тўғри келмайди, деди. Аммо Британия вакили буни исбот қилмади ва исбот қилолмас эди, деб ўйлайман. Иккинчи томондан, совет делегацияси Британия империяси томонидан Ҳиндистонда ва Олтин Қирғоқда амалга оширилаётган принциплар Триест учун мақбул деган фикрга қўшилолмайди.

Совет демократизми принциплари ма'лумки, мамлакатимиз тажрибасида кўпгина яхши натижалар берди, ажойиб натижалар берди, деб айтиш мумкин. Биз шундай бўлса ҳам Триестда совет демократизми принципларини амалга ошириш керак деб таклиф қилаётганимиз йўқ. Совет делегациясининг фикрича, ана шу принциплар сиёсий тараққиёт муайян даражага эришган вақтда бу нарса халқнинг чинакам ҳаётий эхтиёжи бўлиб қолган чоқдагина амалга оширилиши мумкин. Аммо, биз ҳозирги вақтда, Европа мамлакатларида кенг миқ'ёсда тарқалган ва ҳаммага ма'лум бўлган демократизм принциплари Триестда ҳам мақбул суратда амалга оширилиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримиз шу.

Биз, айрим мамлакатлардаги аҳволни бир-биридан фарқ қилишимиз керак, албатта.

Мисол учун икки қўшни мамлакатни, я'ни Греция блан Булғорияни олиб кўрингиз. Бу мамлакатларда шу яқин кунларда умумий овозга қўйиш йўли блан монархиянинг тақдири тўғрисидаги масала ҳал этилди. Бу масаланинг қандай тарзда ҳал этилганлиги ма'лум. Грецияда монархияни тиклаш масаласи ҳал этилди, бу масалани ҳал этиш вақтида мамлакат ичкарисидаги органлар ва ташқи кучларнинг тазйиқ ясовчи ҳамма воситалари ишга солинди, мамлакатда шундай аҳвол вужудга келтирилдики, бундай шароитда умумий овозга қўйишни сохталашдан бошқа ҳечқандай натижага эришиш мумкин эмас эди. Бундай шароитда халқнинг ўз хоҳишини эркин суратда баён қилиши мумкин эмас эди. Булғорияда бошқача аҳволни кўрамиз. Булғорияда умумий овозга қўйиш тамомила эркин шароитда ўтганлигини ва бу нарса умумхалқ тантанасига айланганлигини ҳамма э'тироф қилади. Бутун халқ овоз беришда қатнашди ва Булғорияда монархияни тугатиш ҳамда республика барпо қилиш тўғрисида ўз фикрини якдиллик блан изҳор қилди.

Икки мамлакатни бир-бири блан солиштириб кўрганимизда, Булғорияда ҳамма томонидан танилган демократизм принципларига тамомила мувофиқ суратда республика ўрнатилганлигини кўрамиз, иккинчи томондан, Грецияда демократизм принципларига виждонан қараш блан ҳечқандай алоқаси бўлмаган воситалар ёрдами блан монархиянинг тикланаётганлигини кўрамиз. Ёмон мисолларга, албатта, тақлид қилиш ярамайди. Аммо, эндиликда Триестдаги ҳақиқий сиёсий шароитда демократизмни амалга ошириш учун йўл кўрсатиб берадиган демократизм принципларини татбиқ этиш учун қўлимизда етарли факт борлиги равшан эмасми.

Триест Европадаги ҳозирги сиёсий ҳаёт блан маҳкам боғланган. Триестда 300 мингга яқин киши яшайди, улар актив сиёсий ҳаётга кўникиб қолганлар ва демократик типдаги сиёсий ташкилотлар, касаба союз ташкилотлари, маданий ва бошқа ташкилотларнинг ролини қадрлай оладилар. Давлат тузумидаги демократик принципларни инкор қиладиган низом блан Триестга бориш ярамайди. Демократияга қарши бўлган низом бизни ҳотиржам қилолмайди, балки, тескари натижалар беради. Биз кўпдан буён XX асрда яшамоқдамиз. Демократизм халқларнинг ҳаётий талаби бўлиб қолганлигини билиш керак.

Дуруст, ба'зи кишилар XIX аср демократизмини яхши кўрадилар, улар ҳозирги замонда демократизм тараққиётида вужудга келган янги ва жуда муҳим йўлларнинг прогрессив аҳамиятини э'тироф этишни истамайдилар. XIX аср демократизми олға қараб катта тараққиёт бўлганлигини ҳаммамиз биламиз ва бу демократизмнинг ҳозирги замонда фашизмга қарши курашда бўлгани каби, истибдодга қарши курашда ижобий роль ўйнаганлиги ма'лум. XIX асрда бирқанча мамлакатларда парламент типидаги демократизм ривожланган эди, бу демократизм давлат ишларининг тараққиётида олға қараб қўйилган катта қадам эди. Аммо, бу демократизм сайлов кампанияларидан ташқарида, парламент ташқарисида кенг тараққий этмади. Халқнинг давлат ишларидаги иштироки ҳали ҳам ғоят чекланган ҳолда қолаберди.

Бизнинг замонимизда, радио, газета ва кино асрида, бунинг устига оммавий-сиёсий партиялар, касаба союзлари мавжуд бўлган бир чоқда, ҳатто черкав ҳам сиёсий кампанияларни ўтказишда кўпинча энг фаол қатнашаётган бир пайтда демократизм тамомила бошқача тус олди. Ҳозирги вақтда бутун халқ, миллионларча омма сиёсий ҳаётга тортилмоқда. Ҳозирги вақтда халқ оммаси сайлов кампаниялари давридагина эмас, балки ўз мамлакатининг сиёсий ҳаётида ҳар кун қатнашмоқда ва халқаро миқ'ёсдаги воқеаларга жиддий э'тибор қилмоқда. Ҳозирги замонимизда радио, кундалик матбуот ва оммавий оқартиришнинг бошқа кўп шакллари эришган буюк муваффақиятлар блан бир қаторда, демократизм ва уни амалга ошириш шакллари тезлик блан муваффақиятларга эришмоқда. Триест Европанинг муҳим сиёсий пунктларидан бирида жойлашган ва юқорида айтилган гапларнинг ҳаммасини унга нисбатан тамомила татбиқ этиш мумкин. Триестда демократизм принципларини амалга оширишдан воз кечишимиз керак, деган фикрга келсак, бизнинг муддаомизни тушинмаган бўлур эдилар. Бу гаплардан шундай хулоса чиқаришимиз кераки, Триестдаги давлат тузуми демократик асосларда амалга оширилиши зарур. Триест катта йўлдан четда қололмайди. Европа мамлакатларида демократизмнинг тараққий этишидан четда қололмайди. Европада ҳозир мавжуд бўлган демократик шаклларда ҳаммамиз учун мақбул бўлган нарсаларни жиддий кўздан кечирадиган бўлсак, Эркин территория учун яхши ва мақбул бўлган кўп нарсаларни топа оламиз, албатта. Шундай қилганимизда, мустамлакалардаги губернаторлик ҳокимияти принципларини бу ерга кўчиришдан воз кечамиз ва Триестнинг демократик асосдаги тараққиёти учун амалий жиҳатдан мақбул бўлган фойдали нарсаларни оламиз.

Шу сабабдан, биз Британия делегацияси таклиф қилган ва мустамлакалардаги усул идорани ма'лум даражада эсга туширадиган лойиҳага қарши чиқамиз ва Эркин территория демокартизм асосларида ташкил қилиниши керак, бу иш узоқ вақтга қолдирилмаслиги лозим, бу табиий бир ҳол деб ҳисоблаймиз. Триест халқи ҳақиқатан ҳам эркин нафас олиш имконига эга бўлиши ва бошқа демократик давлатлардагидек ҳамма ҳуқуқлардан фойдаланиши керак, фақат шундагина Эркин территория тузиш тўғрисида қабул қиладиган қароримизни ҳамма тушинади.

Триест тўғрисидаги низомда гражданлик тўғрисидаги масала ҳам катта аҳамиятга эгадир. Совет делегацияси Югославия делегациясининг таклифини тўғри деб ҳисоблайди, бу таклиф Триестда фашизмнинг илгариги актив арбобларига қарши қаратилган. Бизларнинг ҳаммамиз ҳали яқиндагина фашизмнинг қолдиқларига хотима бериш керак деган эдик. Модомики, гап шундай экан, фашизмнинг актив арбоблари ва уларнинг сотқин агентлари Триест граждани бўлиш ҳуқуқини ололмасликлари керак.

II.

Халқаро муносабатлар ва тақиқлаш ҳуқуқи

Биз тайёрлашга киришган таклифлар халқаро муносабатларда Триестга янги ўрин бериши керак.

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши ўтган йилнинг сентябрь ойидаёқ, Триест халқаро миқ'ёсда эркин порт бўлиши керак, деб топган эди. Триест халқаро савдода муҳим роль ўйнаши керак ва биз ўзимиз тайёрлаётган таклифларнинг бу ишга ёрдам бериши тўғрисида ғамхўрлик қилмоғимиз лозим. Бу ишни Триест аҳолисининг манфаатлари ҳисобидан эмас, балки аксинча, бу манфаатларни ҳисобга олиш йўли блан бажаришимиз лозим, албатта.

Шу муносабат блан, Триестнинг ўз қўшнилари блан, я'ни Югославия ва Италия блан ўзаро муносабатлари тўғрисида тўхталиб ўтиш зарур. Биз, Триест портида ана шу икки қўшни давлат учун махсус эркин доиралар бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз. Шу блан бирга Триестнинг Югославия блан муносабатларни кучайтиришдан айниқса манфаатдор эканлигини кўрмай қолиш мумкин эмас, чунки Югославия хўжалик нуқтаий назаридан Триестнинг муҳим орқа томонидир. Шу муносабат блан совет делегацияси Триестнинг Югославия блан таможна иттифоқини тузиш ҳақидаги таклифни, шунингдек, Триестдаги темир йўлларни Югославия блан биргаликда идора қилиш ҳақидаги таклифни тўғри деб ҳисоблайди. Шундай қилганда, Триестни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун ва халқаро миқ'ёсдаги савдо-сотиқ учун қулайроқ шароит вужудга келтирилади.

Шу муносабат блан гапирган нотиқларнинг бири, бу чора Эркин территорияни Югославияга қўшиш учун замин тайёрламайдими, деб хавфсираганлигини айтди. Аммо, бундай хавфсираш учун ҳечқандай асос келтирилмади. Биз ҳар ҳолда, Эркин территорияни тузиш блан унинг жуғрофий вазиятини ва унинг учун айниқса Югославия каби қўшни мамлакат блан иқтисодий алоқани мустаҳкамлаш зарурлигини унутолмаймиз. Эркин территориянинг манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш шундай қарорга келишни талаб этади ва биз шу йўлдан боришимиз керак.

Халқаро муносабатларда Триестнинг сиёсий ўрни тўғрисидаги масалага ўтаман.

Тўрт министр вакиллари томонидан тақдим этилган ҳамма лойиҳаларда Триестдаги ҳарбий кучларни тугатиш тўғрисида таклиф бор. Аммо, фақат совет лойиҳасидагина Эркин территория бетараф ҳам бўлиши керак дейилади. Триестнинг бетарафлигини э'тироф қилиш — бу территорияда ҳечқандай қуролли куч — ички кучлар ҳам, ажнабий кучлар ҳам бўлмайди демакдир. Совет делегацияси конференция шундай таклифни қувватлаши керак, деб ҳисоблайди.

Шу муносабат блан, даставвал, Триестдаги ажнабий қўшинларни муайян муддатгача ундан олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарор қабул қилиниши зарур. Аммо, тақдим этилган лойиҳаларда бу тўғрида бирор гап ҳам айтилмайди. Совет делегацияси эса, шундай муҳим масалани э'тиборсиз қолдириш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Америка Қўшма Штатларининг баёнотида Хавфсизлик Кенгаши Эркин территориянинг яхлитлиги ва мустақиллигини та'минлаш учун зарур воситаларга эга бўлиши керак, деб та'кидланади. Бу нарса э'тиборни жалб этади. Бунда қандай «зарур воситалар» тўғрисида гап бораётганлиги ҳақида индамаслик манзур кўрилади. Мен бу ерда Қўшма Штатларнинг вакилига саволлар берган эдим. Бу саволларга ҳам қониқарли жавоб олинмади. Аммо, бу ҳолда «зарур воситалар» деган гап замирида қуролли кучларни ҳам фараз қилиш мумкинлигини тушиниш қийин эмас. Агар масала ҳақиқатан шу тарзда қўйиладиган бўлса, совет делегацияси Қўшма Штатларнинг таклифига қўшилолмайди. Бизларга шу нарса аён бўлиши шартки, Эркин территорияда қуролли кучларнинг бўлиши уни ҳарбий базага айлантиради. Ана шу қуролли кучлар расман Хавфсизлик Кенгашининг ихтиёрида бўлганида ҳам шундай аҳвол юз беради. Ташқи ишлар министрлари кенгашида Триест халқаро миқ'ёсда эркин порт бўлиши керак, деб қарор қилинган эди. Аммо, ҳечким шу вақтгача Триест қандайдир қуролли кучлар учун база бўлиши керак деб айтишни мумкин деб топмаган эди. Совет делегацияси бирон айрим давлатгина эмас, балки Хавфсизлик Кенгаши ҳам Эркин территорияни ҳарбий базага айлантирмаслиги керак деган фикрга асосланади, чунки Эркин территориянинг ҳарбий базага айлантирилиши Триест тўғрисидаги масалага тамомила янги ва мутлақо номақбул тус берган бўлур эди.

Ма'лумки, Бирлашган миллатлар ташкилоти уставида айтилишича, бу ташкилотнинг а'золари муайян ҳолларда тинчликни сақлаш учун Хавфсизлик Кенгаши ихтиёрига зарур қуролли кучларни беришлари лозим. Уставнинг моҳиятига қараганда, бунда агрессиянинг олдини олиш ёки агрессив давлатнинг ҳуружини бостириш блан боғлиқ бўлган ҳаракатлар кўзда тутилади. Шу блан бирга ана шундай ҳолларда Хавфсизлик Кенгаши блан ташкилот а'золари ўртасида махсус битимлар тузилиши кераклиги кўзда тутилади. Аммо, бу гаплар Эркин территорияга бирор давлатнинг ёки Хавфсизлик Кенгашининг қуролли кучлари киргизилишига ва бу территориянинг ҳақиқатда ҳарбий базага айлантирилишига ҳечқандай асос бермайди. Шу хилдаги уринишларни ҳечбиримиз қувватламаслигимиз керак.

Эркин территориянинг Хавфсизлик Кенгаши блан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги масала алоҳида э'тиборга лойиқдир. Тақдим этилган лойиҳага мувофиқ, Хавфсизлик Кенгаши Эркин территориянинг яхлитлиги ва мустақиллигини та'мин этади, губернатор тайинлайди ва ниҳоят губернатордан ҳар йили доклад олиб туради.

Кеча Австралия делегацияси ана шу қарорларга қарши э'тироз билдирди. Австралия делегацияси Хавфсизлик Кенгаши бу вазифаларни эплайолмайди, деб да'во қилди. Австралия делегацияси э'тибор қилишга сазовор бўлган ҳечқандай таклифларни айтолмади. Аммо, у Хавфсизлик Кенгаши унинг доимий а'золарига берилган тақиқлаш ҳуқуқи блан биргаликда ишга қобилиятсиз органдир ва шу сабабдан юқорида айтилган ҳуқуқларни унга бериш керак эмас, деди.

Шундай қилиб, Австралия делегацияси Хавфсизлик Кенгашининг муайян а'золарига берилган тақиқлаш ҳуқуқини инкор қилиш, таҳқир этиш ва ерга уриш учун яна шу тасодифдан фойдаланмоқчи бўлди. Шу муносабат блан: «Қудуққа туфлама, ичиш учун суви керак бўлиб қолур», деб айтиш мумкин эди. Аммо, биз, тақиқлаш ҳуқуқи тўғрисидаги масала юзасидан шундай жавоб блангина чекланиб қолмаймиз. Кейинги вақтларда тақиқлаш ҳуқуқига қарши тобора бебурд гаплар эшитилмоқдаки, ҳатто ташкилотнинг уставини ёзган а'золари ҳам бундай ҳуружларга тегишинча зарба бермаётирлар. Агар бундан буён ҳам шу аҳвол давом этадиган бўлса, Бирлашган миллатлар ташкилотига бўлган ҳурмат тамомила йўқолади.

Австралия делегацияси Хавфсизлик Кенгашининг тақиқлаш ҳуқуқига қарши чиқиш блан нимани истайди ва у бунинг қандай оқибатларга сабаб бўлишини тушинадими?

Сан-Франциско конференциясида биринчи марта ўлароқ, бу ташкилотнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашда жиддий вазифалари бўлган халқаро ташкилотга асос қўйилган эди. Бу ташкилот умумий тинчликни ҳимоя қилиш мақсадида барча сулҳпарвар давлатларнинг уюшмаси сифатида ташкил этилди. Хавфсизлик Кенгашидаги беш улуғ давлатга тақиқлаш ҳуқуқи берилган. Бу ҳуқуқ ана шу ташкилотнинг асосий ва принципиал элементидир.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг уставига мувофиқ, тақиқлаш ҳуқуқининг ма'носи шуки, тинчлик манфаатларига тааллуқли бўлган муҳим масалаларнинг ҳаммасида Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Совет Иттифоқи, Франция ва Хитой ўзаро келишиб ҳаракат қилишлари лозим ва Хавфсизлик Кенгаши ана шу давлатлардан биронтаси ҳам қўшилмаган қарорларни қабул қилолмайди. Бунинг ма'носи шуки, тақиқлаш ҳуқуқи икки ёки уч давлатнинг ёки ҳатто тўрт давлатнинг ўзаро тил бириктириб, беш асосий давлатнинг бирига қарши ҳаракат қилишига халақит беради. Тақиқлаш ҳуқуқи буюк давлатларни биргаликда ишлашга ундайди ва ба'зи улуғ давлатларнинг бошқа давлатларга қарши найранг ишлатишини қийинлаштиради, бу барча Бирлашган миллатларнинг манфаатларига ва умумий тинчлик манфаатларига, шубҳасиз, мувофиқдир. Бу нарса албатта, мавжуд ихтилоф ва жанжалларни ўртадан кўтариб ташламайди, аммо, тақиқлаш ҳуқуқи бўлган чоқда, жанжалли масалаларнинг эркин ва очиқ муҳокама қилиниши бир-бирларининг фикрларини англаш ва ён беришга, ҳамкорлик қилиш ва бир қарорга келишга яхши йўл очиб беради. Шундай қилиб, тақиқлаш ҳуқуқи улуғ давлатларнинг ҳаракатларини барча кичик ва катта сулҳпарвар давлатларнинг манфаатларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Миллатлар иттифоқида улуғ давлатларнинг ихтиёрида тақиқлаш ҳуқуқи йўқ эди. Миллатлар иттифоқи расмий жиҳатдан катта ва кичик давлатларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши принципига асосланган эди. Ҳозирги вақтда тақиқлаш ҳуқуқини бекор қилишни ёқлаётган кишилар бизларни Бирлашган миллатлар ташкилотидан орқага, Миллатлар иттифоқи каби ташкилот сари итармоқдалар. Аммо, ана шундай гапларнинг сиёсий ма'носи ҳам шу блан белгиланади.

Урушдан аввалги йилларда бўлган воқеалар тўғрисида ба'зи нарсаларни яна эсга солиб ўтишга тўғри келади.

Миллатлар иттифоқи 1914—18 йиллардаги жаҳон урушидан кейин тузилган эди. Бу ташкилот халқаро ташкилот тузиш йўлидаги биринчи тажриба эди, аммо бу ташкилотни мақбул деб ҳисоблаб бўлмайди. Миллатлар иттифоқи амалда тинчликни қўриқлашда муҳим роль ўйнамади. Миллатлар иттифоқи халқлар хавфсизлигини чинакам ҳимоя қилувчи ташкилот бўлиб қололмади, ана шу биринчи халқаро ташкилотда катта та'сирга эга бўлган инглиз-француз иттифоқидаги мамлакатларнинг хавфсизлигини ҳам ҳимоя қилолмади. Бу ташкилотнинг оқибати нима бўлганлигини биламиз.

Миллатлар иттифоқи тинчликни ҳимоя қилишдаги ожизлигини уруш хавфи пайдо бўла бошлаган чоқда очиқ-равшан кўрсатди. Ўша вақтда масала Женевада эмас, балки агрессор талаб қилганидек, Мюнхенда ҳал этилди. Мюнхендаги шармандагарчилик шундан иборатки, Миллатлар иттифоқида раҳбарлик ролини ўйнаган давлатлар бу ерда тинчликни ҳимоя қилишдан ожиз қолдилар ва агрессор блан битим туздилар, бошқа сулҳпарвар мамлакатларни четда қолдириб ва уларнинг манфаатларига қарши бориб битим қилдилар. Бу ҳол ҳарбий авантюра планларини тузган агрессорга далда берди, халос. Мюнхен битими бизларни янги жаҳон урушига олиб келди. Барча сулҳпар-

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА).

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ТРИЕСТ НИЗОМИ ВА АСОСИЙ МАСАЛАЛАР

Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг сиёсий ва территория масалаларини кўрувчи комиссиянинг мажлисида В. М. МОЛОТОВнинг 14 сентябрьда сўзлаган нутқи

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

вар давлатларнинг бирлик фронти бўлмаса, агрессияга лозим даражада қарши туриш мумкин эмаслигини, тинчликни ҳимоя қилиш мумкин эмаслигини яққол кўрсатди.

Кейинги уруш давомида буюк давлатлар иттифоқи вужудга келди. Бу давлатлар демократик мамлакатларга бош бўлдилар ва Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам агрессорни тор-мор келтирдилар. Бунинг натижасида, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун янги халқаро ташкилот тузиш зарур деб топилди. Бирлашган миллатлар ташкилоти, шунингдек Хавфсизлик Кенгаши ва тақиқлаш ҳуқуқи пайдо бўлди. Бунинг натижасида ниҳоят, умумий хавфсизликни таъминлаш учун чинакам ташкилот тузиш йўлида ҳаракат қилинди. Бунда тақиқлаш ҳуқуқи асосий роль ўйнайди. Тақиқлаш ҳуқуқи принципи барча буюк давлатлардан ўз манфаатларига ва умумий тинчлик манфаатларига эътибор блан қарашни талаб этади, бирхил давлатларда бошқа давлатларга қарши иттифоқ ва группа тузишларини қийинлаштиради ва айниқса сулҳпарвар мамлакатларни четда қолдириб, уларнинг манфаатларига қарши агрессор блан битим тузиш имкониятини қийинлаштиради.

Бирлашган миллатлар ташкилотида тақиқлаш ҳуқуқидан воз кечиш нима демакдир? Бу ҳуқуқдан воз кечиш, муайян ҳаракатларни қилиш учун баъзи бирорларнинг қўлини ечиб юбориши мумкин эканлигини пайқаш қийин эмас. Тақиқлаш ҳуқуқидан воз кечиш улуғ давлатлар ўртасида тор группа ва иттифоқлар тузилишини енгиллаштиради, албатта, ҳарҳолда тинчликни ҳимоя қилувчи Бирлашган миллатлар бирлик фронтининг душманларига қўл келади. Аммо биз бу йўлни текшириб кўрганмиз, ана шу йўл бизни иккинчи жаҳон урушига олиб келди. Бу йўл Бирлашган миллатлар ташкилотини шармандаларча ҳалок қилишдан бошқа натижа бермайди.

Бундай планлар тескаричи доираларнинггина манфаатларига муносиб бўлиб ўтакетган империалистларгагина ёрдам бера олади, халос. Улар Совет давлати блан ҳамкорлик қилиш ўзларига ёқмаганлигини яширмайдилар. Бундай доираларда советларга қарши янгидан-янги иғволар тўқиш блан шуғулланишга мойил бўлган кишилар албатта, оз эмас. Аммо Миллатлар иттифоқининг унутилмас тажрибасига эгамиз. Миллатлар иттифоқи Совет Иттифоқининг иштирокисиз ва ҳатто Совет Иттифоқининг манфаатларига тўғридан-тўғри қарши бўлиб, тинчликни ҳимоя қилишга уриниб кўрган эди. Бундан ҳечқандай яхши натижа чиқмади. Ҳозирги замонда Совет Иттифоқини менсимаслик, тинчлик масалаларида унинг ёрдами муҳим эканлигини унутиш хавфлидир. Совет Иттифоқи блан ҳамкорлик қилиш ўрнига келгусидаги агрессор блан келишиш ва битишувга умид боғлаган кишиларгина ана шу йўлдан бороладилар, бунинг тинчлик манфаатлари ва халқаро хавфсизлик манфаатлари блан ҳечқандай алоқаси йўқ эканлиги равшан. Бундай мўлжалларга зарба берилган эди. Бундай мўлжаллар яна зарбага учрайди. Бунинг учун халқлар уларнинг ваҳшиёна империалистик моҳиятини ўз вақтида фош қилишлари ва уларнинг халқлар тинчлиги ҳамда хавфсизлигига душман эканликларини фош қилишлари айниқса муҳимдир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тинчликни ҳимоя қилувчи янги ташкилот вужудга келди. Ҳозирги вақтда Хавфсизлик Кенгаши зиммасига барча улуғ давлатларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ва шу блан бирга умумий тинчлик манфаатлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш вазифаси юкланган. Бундай ташкилот 19 асрда ҳам, биринчи жаҳон уруши олдида ҳам, иккинчи жаҳон уруши олдида ҳам бўлмаган эди. Халқаро ташкилот вужудга келтирилди. Бу ташкилот Совет Иттифоқинигина эмас, балки бошқа сулҳпарвар давлатларни ҳам менсимасликка йўл қўймайдиган принципга асосланган. Тақиқлаш ҳуқуқи худди шу мақсадни кўзда тутади. Тақиқлаш ҳуқуқи албатта, мушкулотдан қутилиш воситаси эмас. Иттифоқ ва группалар ҳозирда ҳам бор, лекин шундай бўлса ҳам тақиқлаш ҳуқуқи халқлар хавфсизлигини ҳимоя қилишда катта қийинчиликлар бўлсада, бу соҳада давлатлар ҳамкорлигини кучайтириш учун маълум асос беради. Биз тинчлик ва хавфсизликнинг чинакам тарафдори бўлар эканмиз, ана шундай муҳим мақсадларга хизмат қилиши лозим бўлган бу қуролни қадрлашимиз керак.

Давлатлар ўртасида муҳим масалалар юзасидан ихтилофлар албатта оз эмас, жанжалларнинг бўлиши муқаррар. Аммо биз ихтилофларни ҳал этиш учун кўп марта йўл топган эдик. Агар бизларнинг ҳаммамиз бир давлат ёки давлатлар гуруҳининг хоҳишини бошқа давлатларга бажартиришга уриниш асоссиз ва ўринсиз эканлигини тушуниб олсак, бундан кейин ҳам бу йўллар биз учун берк эмас. Бизлар олға қарашимиз керак ва ўзимизни эскиликка, шармандаси чиққан Миллатлар иттифоқи сари судровчиларга йўл бермаслигимиз лозим. Биз, урушдан кейин тузилган халқаро ташкилотда сулҳпарвар давлатларнинг бирлик фронтини тузишга интилмоғимиз лозим, бу бирлик фронти бирор давлатнинг манфаатларини менсимасликка йўл қўймасин ва агрессорни янгидан тиклаш йўлидаги ҳарқандай уринишларга қарши қаратилган бўлсин.

Австралия делегациясининг тақиқлаш ҳуқуқига қарши чиқиши умумий тинчлик манфаатларига, халқлар ҳамкорлигини ривожлантириш манфаатларига хилофдир. Хавфсизлик Кенгашига қарши ва тақиқлаш ҳуқуқига қарши ўринсиз аччиғланиш блан ожизона қилинган ҳуружлар биз курашиб келган кишиларгагина ёрдам бера олади ва улар келгусидаги агрессордангина ташаккур эшитишлари мумкин. Халқлар тинчлиги ва хавфсизлигига чинакам тарафдор бўлган кишиларнинг ҳаммаси ана шундай уринишларга зарба берурлар ва бу уринишлар тамомила яксон қилинади деб ишонишни истар эдик.

III.

Хулоса ва таклифлар

Энди хулосаларга ўтаман.

Совет делегацияси Триестдаги ҳокимият ташкилоти тақдим этилган лойиҳада таклиф қилинганидек демократик асосларда қурилиши зарур деб ҳисоблайди. Триест қандайдир губернатор территорияси эмас, балки чинакам Эркин территория бўлиши лозим. Бу, бизнинг биринчи хулосамиздир.

Совет делегацияси Триест блан Хавфсизлик Кенгаши ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилайдиган ва лойиҳада таклиф этилган принципни ҳам сақлаш тарафдоридир. Шу блан бирга биз Триест тўғрисидаги масала юзасидан, унинг қўшни мамлакатлар ва бошқа мамлакатлар блан муносабатлари тўғрисидаги масала юзасидан қилган таклифларимизда конференциянинг чиқарадиган қарорлари учун етарли даражада асос берилган деб ҳисоблаймиз. Бу, бизнинг иккинчи хулосамиздир.

Триест низомининг қараб чиқилиши бизнинг олдимизга бирқанча муҳим сиёсий масалаларни қўйди. Триестнинг янги низоми амалга оширилганида бу территорияда яшовчи асосий миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги масалани, шунингдек қўшни халқлар блан ўзаро муносабатлар ҳақидаги масалани тўғри ҳал этиш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Совет Иттифоқининг миллий масалани ҳал этиш соҳасидаги тажрибаси бу жиҳатдан жуда фойдали тажриба бўла олади. Совет Иттифоқида ленинча-сталинча миллий сиёсат асосида, сиёсий тараққиёт жиҳатидан турли босқичларда турган, турмуш ва тиллари бир-биридан фарқ қилган халқ ўртасида тинчлик ўрнатишда катта муваффақиятларга эришилди. Ана шу муваффақиятлардан тўғри фойдаланиш — Триестда ҳам катта фойда келтириши мумкин деб маҳкам ишонамиз. Австралия делегацияси ҳам бундай масалаларда ўз тажрибалари блан ўртоқлашишлари керак, албатта. Аммо Австралиянинг катта тажрибаси йўқ эканлиги маълум. Австралия Янги Гвения каби ва икки минг ерли аҳолиси бўлган Наура ороли каби мандатли территорияларгагина эгадир. Шундай бўлса ҳам совет делегацияси Бирлашган миллатлар ташкилоти бирор муҳим вазифани ҳал этган чоқда ҳаммамиз ўз тажрибамиз блан ёрдам беришимиз керак деб ҳисоблайди. Аммо бу ерда Триестда миллий-сиёсий масалаларнинг мураккаблигини таъкидлаганликлари учун совет делегацияси Совет Иттифоқида кўп миллатлар ўртасидаги муносабатларни ҳал этиш соҳасидаги кўп тажриба ҳар ҳолда бу масалада ҳам катта фойда келтиради деб айтишни зарур ҳисоблайди.

Совет делегацияси мен айтиб ўтган мулоҳазаларга мувофиқ қуйидаги таклифларни комиссия қарамоғига ҳавола қилади ва бундан кейин янада пухтароқ ўрганиб чиқиш учун бу таклифларни кичик комиссияга ҳавола қилади.

«Ташқи ишлар министрлари кенгаши 1946 йил 3 июльда қабул қилган низомларни ривожлантириш мақсадида, Эркин Триест территорияси ҳақидаги низомда қуйидаги қоидалар кўрсатилиши лозим:

1. Эркин Триест территорияси бетараф бўлади ва унинг ҳарбий кучлари битирилади.
2. Эркин Триест территориясида бўлган ажнабий қўшинларнинг ҳаммаси Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси кучга кирганидан кейин 30 кун мобайнида олиб кетилиши лозим.
3. Триест портидаги халқаро тартиб портдан ва Триестдаги транзит енгилликларидан халқаро миқёсдаги бутун савдо ишларида тенг шартларда фойдаланишни таъминлаши лозим, шу блан бирга қўшни давлатларга, яъни Югославия ва Италияга бу портда эркин доиралар ажратиб берилсин.
4. Эркин Триест территориясини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун кулай шароит вужудга келтириш мақсадида Эркин территория Югославия блан иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилади (таможна иттифоқи, Эркин Триест территориясидаги темир йўлларни биргаликда идора қилиш ва ҳоказо).
5. Губернаторнинг вазифаси Эркин территория низомига риоя қилинишини таъминлашдан иборат.
6. Қонун чиқарувчи ҳокимият халқ мажлиси томонидан амалга оширилади, бу халқ мажлиси умумий, тенг, тўппа-тўғри ва яширин овоз бериш йўли блан сайланади.
7. Ижроия ҳокимияти Эркин территория ҳукумати қўлида бўлади. Бу ҳукумат халқ мажлиси томонидан тузилади ва ўз ишлари ҳақида халқ мажлиси олдида жавобгар бўлади. Ҳукумат Эркин территорияни идора қилади, маъмурий ҳокимиятнинг ҳамма органлари, шу жумладан полиция, чегара ва қирғоқ соқчилари унга бўйсунади.
8. 1940 йил 10 июньгача шу ерда яшаган ва Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси кучга кирган кунгача шу территорияда яшайдиган собиқ итальян гражданлар Эркин Триест территорияси гражданлигига қабул қилинади. Аммо Италиядаги фашист усул идорасининг актив арбоблари фашистлар партиясининг актив аъзолари, ҳарбий жиноятчилар ва Италия полициясида хизмат қилган кишилар ҳамда 1922 йилдан кейин Италиядан келган давлат амалдорлари Триест граждани бўлиш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар.
9. Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, СССР ва Франция вакилларидан иборат иттифоқчиларaro комиссия тузилади. Бу комиссия сулҳ шартномаси кучга кирганидан кейин Эркин Триест территориясининг муваққат ҳукуматини тузади. Бунинг учун иттифоқчиларaro комиссия маҳаллий демократик партиялар ва ташкилотлар блан маслаҳатлашади.
10. Уч ой ичида халқ мажлисига сайловлар ўтказиш кунини белгилаш — муваққат ҳукуматнинг муҳим вазифасидир».

Совет делегацияси ушбу конференцияда Триест низоми тўғрисидаги масала тўғри ҳал этилади деб ишонч билдиради.

Ташқи ишлар министрлари ўринбосарларининг кенгашлари тўғрисида

ПАРИЖ, 14 сентябрь (**ТАСС махсус мухбиридан**). Министрлар кенгашининг кўрсатмасига мувофиқ, СССР, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ташқи ишлар министрларининг ўринбосарлари Сулҳ конференцияси делегациялари томонидан сулҳ шартномалари лойиҳаларига киргизилган тузатиш ва таклифларни қараб чиқиш учун мунтазам суратда кенгаш ўтказадилар, деб хабар берилган эди. Бу кенгашларда Совет Иттифоқидан А. Я. Вишинский ва Ф. Г. Гусев, Америка Қўшма Штатларидан Данн, Буюк Британиядан Жебб ва Худ, Франциядан Кув де Мюрвилль қатнашмоқда.

Бу кенгашлардан мақсад — сулҳ шартномалари лойиҳаларида ҳали ўзаро келишилмаган масалалар юзасидан тўрт улуғ давлатнинг ўзаро бир қарорга келишидан, шунингдек бошқа делегацияларнинг тузатишлари ва таклифларини қараб чиқиш ва бу тузатиш ҳамда таклифлардан қайси бирларининг Ташқи ишлар министрлари кенгашида вакиллари бўлган мамлакатларнинг делегациялари қувватлай олишини белгилашдан иборат.

Шуни айтиш керакки, министр ўринбосарларининг кенгашларида баъзи масалалар юзасидан бир фикрга келинди. Масалан, тузатиш ва таклифларни (шуни айтиш керакки, бу тузатиш ва таклифлар иккита катта жилдни ташкил этади) пухта ўрганиб чиқиш натижасида министр ўринбосарлари тегишли комиссияларда 62 тузатишни, шу жумладан Австралия делегацияси тақдим этган 18 тузатишни ва Греция делегацияси тақдим этган 12 тузатишни қувватламаслик тўғрисида бир қарорга келдилар. Бу тузатиш ва таклифлар ҳарбир шартнома лойиҳасининг тегишли моддаларга қарама-қаршидирлар ёки ҳечқандай янгилик киргизмайди, балки масалани чигаллаштирадилар, халос. Конференциянинг бир ярим ойлик ишидан кейин ҳозир шу нарса мутлақо равшан бўлиб қолдики, асосан Англия доминионлари ва Жанубий Америкадаги баъзи давлатларнинг делегациялари томонидан киргизилган кўпгина ҳарқандай тузатишлар Министрлар кенгаши тақдим этган сулҳ шартномалари лойиҳаларини яхшилаш ва бу лойиҳаларда қўйилган масалаларни мукаммаллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди. Бу тузатишларнинг кўпчилиги томомила бошқача мақсадларни кўзда тутган эди: улар Министрлар кенгашида келишиб тузилган бўлса ҳам, инглиз ёки Америка делегацияси учун баъзи жиҳатдан ноқулайлик туғдирадиган сулҳ шартномалари лойиҳаларининг моддаларини қабул қилдирмаслик учун бир восита бўлиб хизмат қилиш керак эди. Шу сабабдан инглиз ва америка делегациялари тегишли моддаларни қабул қилдирмасликдан манфаатдор эдилар.

Дарҳақиқат, жуда кўп тузатишлар, айниқса Австралия делегацияси томонидан киргизилган тузатишлар таҳлил этиб кўрилса, бу тузатишларнинг қарийб ҳаммаси инглиз ва америка делегациялари Министрлар кенгашида совет делегациясининг талабларига ён бериб, розилигини билдирган сулҳ шартномалари моддаларига тааллуқлидир. Инглиз ва америка делегациялари ана шу моддаларга қўшилганликлари учун ўз гапларидан қайтмасликлари керак эди ва ўзаро келишилган ана шу моддаларни ўзгартириш ҳақидаги таклифларни конференция муҳокамасига қўйиш имкониятидан ҳам расман маҳрум эдилар.

Инглиз-америка иттифоқига кирган ва Министрлар кенгашининг қарорларига дахли бўлмаган бошқа делегациялар шундай таклифларни бемалол тақдим эта бериш имконига эга бўлганликлари учун бунга ҳечқандай зарурат йўқ эди. Ҳақиқатан ҳам шундай аҳвол юз берди. Австралиялилар, бразилиялилар, янги зеландиялилар, голландиялилар ва шу сингари вакиллар барча комиссия ва кичик комиссияларда бемалол, ҳормай-толмай ўз тузатишларини киргизмоқдалар, инглиз ва америка делегациялари шундай тузатишлар киргизилган вақтда одатда ҳеч нима демайдилар. Инглиз ва америка делегациялари барча комиссияларда ўз томонларида кўпчилик овозга эга бўлганликлари учун ўз тарафдорларининг тузатишларини ўтказмаслик учун бу тузатишларга қарши бемалол овоз бера оладилар. Сулҳ конференциясида инглиз-америка иттифоқи ана шундай найранг натижасида ўзини бегуноҳ қилиб кўрсатиб, обрў топишга ҳаракат қила олади ва ҳақиқатан ҳам ҳаракат қилмоқда. Улар ўзаро келишиб чиқарган қарорларга расман қарши чиқмайдилар, аммо ҳақиқатда эса, улар ўзларини қувватлаган делегацияларнинг найрангларига бемалол қарайдилар, Министрлар кенгашида ўзаро келишиб чиқарилган ва уларга унча ёқмаган ҳатто, сра ҳам ёқмайдиган қарорларни чинакамига қувватлаш учун ҳеч ҳаракат қилмайдилар.

Инглиз ва америка делегациялари ўринбосарларининг кенгашларида ҳам худди шундай йўл тутмоқдалар. Бу кенгашларда, дуруст, найранг ишлатиш қийинроқ, чунки ўзаро келишиб тузилган сулҳ шартномалари лойиҳаларида бошқа делегациялар томонидан киргизилган ва инглиз ҳамда америка делегацияларининг хайрихоҳлик блан қараган тузатишларни инглиз ва америка делегацияларининг ўзларига қувватлашга тўғри келмоқда, улар бу кенгашларда австралиялиларни, канадалиларни, янги зеландиялиларни, бразилиялиларни ва бошқа вакилларни пана қилмоқдалар.

Аммо, инглиз ва америка делегациялари бу қийинчиликдан қутилиш учун йўл топадилар. Англия ва Америка ташқи ишлари министрларининг ўринбосарлари, Данн ва Жебблар ўринбосарлар кенгашида ўзаро келишиб тузилган сулҳ шартномаларининг моддаларига зид бўлган тузатишларни қабул қилишни расмий асосларга кўра талаб этолмасалар, мазкур тузатиш умуман тузатиш эмас, балки янги таклифдир, Министрлар кенгашида бу таклиф юзасидан ҳечқандай қарор қабул қилинмаган эди, дейишиб, ана шу ғовни четлаб ўта оладилар. Агар бу найранг ҳам натижасиз қолиб, Данн ва Жебблар ўз таклифларининг ҳақиқатан тузатишдан бошқа нарса эмаслиги ва бундай тузатишни қабул қилиш, Министрлар кенгашининг ўзаро келишиб, чиқарилган қарорларини ўзгартириш ёки тўғридан-тўғри бекор қилишдан иборат бўлажаги фош қилинган чоқда, бундан ҳам қутилиш йўлини топадилар. Бундай вақтларда инглиз ва америка делегацияларининг вакиллари бизнинг таклифимиз Министрлар кенгаши томонидан рад этилган таклифларга ҳечқандай алоқаси йўқ ва бизнинг таклифимиз мутлақо янги таклифдир, шу сабабдан Министрлар кенгаши аъзолари ва ўринбосарлар кенгаши аъзоларидан бирортаси ҳам бу жиҳатдан ўз устига ҳечқандай мажбурият олган эмас, деб айтадилар.

Эътироф қилиш керакки, бундай аҳвол ўринбосарлар кенгашининг ишида анча қийинчиликлар туғдиради, тузатиш блан таклиф ўртасида қандай фарқ бор, янги таклиф блан эски таклиф ўртасида қандай фарқ бор, бу таклиф илгари мувофиқлашиб қабул қилинган қарорни ўзгартадими, йўқми деган жуда кўп мавзуълар устида беҳуда сўзлар ва мунозаралар блан кўп вақтни олади. Бу эса, Министрлар кенгашида узоқ ва қизғин давом этган мунозаралардан кейин биргалашиб қабул қилинган қарорларга қинғир йўллар блан ҳарқандай ўзгартишлар киритиш мақсадида очиқдан-очиқ қилинаётган уринишларни ниқоблаш учун ҳарқандай ҳуқуқий баҳоналар келтиришга кенг имконият берди.

Ўринбосарлар кенгашининг иш тажрибасидан бирнеча мисол келтириш мумкин. Бу мисоллар Англия ва Америка делегацияларининг юқорида баён қилинган йўлини яққол кўрсатиб беради.

Масалан, Булғория блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасида Министрлар кенгаши Булғориянинг қуруқликдаги армиясини чеклаш тўғрисида бир модда қабул қилган эди. Бу моддага (9-нчи модда) биноан, Булғорияга қуруқликда умуман 55 минг кишидан иборат армия сақлаш учун рухсат берилади, чегара қўшинлари ҳам шу миқдорга киради. Бу модданинг мазмуни жуда ҳам равшан. Бу модда Италия, Румония, Финляндия ва Венгрия блан тузиладиган сулҳ шартномаларининг шу тўғридаги моддаларига мувофиқ келади. Броқ, Греция делегацияси шу моддага тузатиш киритишни зарур деб топди. Грециянинг тузатишида, 55.000 киши ҳисобига «ички хавфсизлик қўшинлари» ҳам киритилсин, дейилади. Ҳолбуки, Булғорияда бундай қўшинлар йўқ. Бу масала ўринбосарлар кенгашининг муҳокамасига қўйилганида, совет делегацияси, бу тузатиш 9-нчи модданинг маъносини ўзгартади, демак шу сабабдан, Америка Қўшма Штатлари, СССР, Буюк Британия ва Франция делегациялари бу тузатишни қувватлай олмайдилар, чунки бу мамлакатларнинг министрлари Министрлар кенгашида мазкур модданинг текстини биргалашиб маъқуллаган эдилар, деб кўрсатди. Совет делегацияси бу тузатишни рад этишни таклиф этди, албатта. Броқ, Америка Қўшма Штатларининг вакили Данн ва Буюк Британия вакили Жебб, Греция таклифи тузатиш эмас, балки янги таклиф, демак ҳарбир делегация янги таклифга қандай қараганлигини ўзи эркин белгилаши керак, деб чиқдилар. Масалани бундай қўйишнинг сунъий эканлиги кўриниб турса ҳам, афтидан, тегишли йўл-йўриқларга амал қилаётган Данн ва Жебб янги таклиф қилинган бу тузатишни қувватлашга тамомила ҳақли эканликларини ва бу ҳаракат блан Министрлар кенгашида ўзаро келишиб қабул қилинган қарорни гўё бузмаганликларини исбот қилишга зўр бериб уриндилар.

Грециянинг, Булғория булғор-грек чегарасини қуролсизлантирсак, деб киргизган тузатиши, шунингдек Греция делегациясининг, Булғория блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасига Булғория учун торпеда кемалари сақлашни тақиқлаш йўли блан Булғориянинг қуролли кучлари янада камайтирилсин, деб уриниши тўғрисида ҳам худди шундай аҳвол юз берди. Ҳолбуки, Булғориянинг бутун ҳарбий-денгиз флоти атиги 7.250 тонна ҳажмдадир.

Ана шу тузатишлар «янги таклифлар» деб даъво қилинди. Шу блан бирга Данн тўғридан-тўғри, ҳарқандай бўлганда ҳам Америка делегацияси бу тузатишларга янги таклифлар деб қарайди, деди. Шу сабабдан совет вакили Вишинский мажлислардан бирида бундай деган эди: Америка вакилининг ҳатти-ҳаракати парҳез ойида чўчқа гўшти емоқчи бўлган муллани эслатади. Бу мулла чўчқага қараб, «эй чўчқа, эй чўчқа балиқ бўлсанчи», деган эмиш.

Лекин инглиз ва америка вакиллари баъзан бундан ҳам қизиқроқ ҳаракат қиладилар.

Мажлислардан бирида министр ўринбосарлари совет вакилларидан Вишинский ва К. Новиковларнинг, «киши ҳуқуқлари ва киши ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи суд таъсис қилиш тўғрисида Австралия таклиф этган тузатиш рад этилсин», деган таклифига қўшилган эдилар. Вишинский ва Новиков бу таклифнинг жуда мужмал эканлигини, масалани чалкаштириб ва қийинлаштириб қўяжагини исбот қилган эдилар.

Броқ, Финляндияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўрувчи комиссия мажлисида Буюк Британия вакили лорд Худ Австралиянинг тузатишини рад этмасликни ва ўрганиш учун уни таҳрир-ҳуқуқ комиссиясига топширишни тавсия этди. Худ бу комиссияда ўша тузатишни бирон иложини топиб асослаб бермоқчи бўлиб уринди. Лекин ҳуқуқ комиссияси Австралиянинг таклифини ҳар тарафлама муҳокама қилиб, унда эътиборга арзийдиган бирон нарса топмади. Шундай қилиб, Британия вакилининг қинғир йўл блан қилган найранги муваффақият қозонмади.

Ўринбосарлар кенгаши ана шундай «ишлайди». Совет делегацияси бу кенгашда кўпинча Сулҳ конференциясининг хилма-хил қарама-қаршиликлари блан тўлиб-тошган ишини муваффақиятли олиб бориш учун йўл очиш блан шуғулланади.

Масъул муҳаррир С. РАЖАБОВ.

ХИТОЙ ҲУКУМАТИНИНГ ҲАРБИЙ ЧОРАЛАРИ

ШАНХАЙ, 15 сентябрь (ТАСС). «Синьвэньбао» газетаси билдиради: Хитой ҳукумати харажатларининг қарийб тўртдан уч қисми ҳарбий эҳтиёжларга сарф қилинади. Хитой миллий мудофаа министри генерал Бай Цзун-си ҳозирги вақтда «Нанкин мудофаасини мустаҳкамлаш» блан овора. Бай Цзун-си Нанкинда парашютчи қўшинларнинг маневрларини ўтказгандан кейин, тез орада гоминданнинг Нанкиндаги бошқа қисмларини кўрикдан ўтказди.

АДМИРАЛ КУК БАЁНОТИ

НАНКИН, 15 сентябрь (ТАСС). «Чжунъянжибао» газетаси билдиради: адмирал Кук 9 сентябрьда бўлган матбуот конференциясида гапириб, Америка Қўшма Штатлари «флот қурилишида Хитойга ёрдам бериш ва Американинг Хитойдаги савдо манфаатларини ҳимоя қилиш учун» ўз флотини Хитойда қолдириш ниятидадир» деди.

ТАСС РАДДИЯСИ

Америкада чиқадиган «Нью-Йорк таймс» газетаси яқинда Римдаги мухбирининг телеграммасини эълон қилди. Бу телеграммада хабар қилинишича, Албанияда гўё иккита рус полки бор ва бу полклар Греция чегараси бўйида жойлашган эмиш, Сасено оролини Албания гўё махфий суратда Совет Иттифоқига берган ва бу орол йирик авиация базасига айлантирилган эмиш. Телеграммада бошқа бирқанча шундай бўлмағур гаплар ҳам айтилади.

ТАСС бу хабарларнинг бошдан охиригача уйдирма эканлигини билдиришга вакил қилинган. Бу хабарлар, афтидан, грек монархист-фашистларининг Албания чегарасида иғвогарлик мақсадида қилаётган ҳаракатларини оқлаш ва ниқоблаш учун ўйлаб чиқарилган бўлса керак.

ИСФАҲОНДА ҲУКУМАТГА ҚАРШИ ФИТНА ФОШ ҚИЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА «РАҲБАР» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ТЕҲРОН, 15 сентябрь (ТАСС). «Раҳбар» газетаси «Жанубда фитна фош қилинди» деган сарлавҳа остида босилган бош мақоласида бундай деб ёзади: баъзи чет эл вакиллари раҳбарлигида иш кўраётган ажнабий агентлар Хузистон, Форс, Кермон, Исфаҳон ва Яздни Эрондан ажратмоқчи бўлганлар.

«Раҳбар» газетаси, фитнада қатнашган чет эл вакилларини уларнинг ҳукуматлари Эрондан чақириб олишлари керак. Эрон ҳукумати фитначилар устидан очиқ суд ўтказиши лозим, деб ёзади.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 18 сентябрьда **Олеко Дундич**, 19 сентябрьда **Бранденбург қопқаси**, 20 сентябрьда **Муҳаббат**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — **Жўрғай қолқоли**; «НАВОИЙ» — рангдор фильм **Биринчи Май**. 20 сентябрьдан **Тоҳир ва Зуҳра** (рус тилида); «9-НЧИ МАЙ» — **Руслан ва Людмила**; «ОКТЯБРЬ» — **Зигмунд Колосовский**. 20 сентябрьдан **Балерина**; «ВАТАН» — **Тўрт юрак**; СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТР — **Қасам**; «ХЕВА» — **Шаҳримизнинг йигити**; «ИСКРА» — **Руслан ва Людмила**; «УДАРНИК» — **Гумаштанинг синглиги**; «ТЕЛЬМАН» — **Хотин-халач**, 20 сентябрьдан **Озод қилинган ер**; «ПОБЕДА» — **Сильва**, 19 сентябрьдан **Дубровский**; «ВЕСНА» — **Аламаслар дараси**.

СССР Савдо Министрлигига қарашли «Оптбаққолия»нинг **Озиқ-овқат маҳсулотлари комбинатига** цехларда ишлаш учун:

ЁРДАМЧИ ИШЧИЛАР КЕРАК

Ишчилар овқат, паёк ва бошқалар блан таъминланади. Адрес: Чирчиқ-Горний, Пос-ра Яланғоч кўчаси, 75-нчи уй.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда **Руслан ва Людмила**; «ПОБЕДА» — **Истило**. 20 сентябрьдан **Ўғирлар** (қозоқ тилида); «ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» — кундуз ва кечқурун **Безовта хўжалик**.

ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
қатнаб юриб тайёрланадиган
АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Аспирантурада қуйидаги ихтисослар: тутчилик, селекция, қурт уруғи ишининг технологиясига доир ихтисослар бор.

Аризалар 1946 йил 1 октябрьгача қабул қилинади.

Конкурс тартибидаги кириш имтиҳонлари 20 сентябрьдан 15 октябрьгача бўлади.

Аризани директор номига ёзиш ва қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топшириш лозим: 2 фотокарточкаси, таржимаий ҳоли, кадрларни ҳисобга олиш варақаси, дипломининг тасдиқланган копияси, кейинги иш ўрнидан жамоат-ишлабчиқариш характеристикаси, асарларининг оттискалари ёки қўлёзмалари ва ёки кирувчи танлаган мавзуъда реферат.

Ариза топшириш ва керакли маълумотлар олиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Шелковичний кўчаси, 18-нчи уй, Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИНИНГ 3-НЧИ ТОМИ КЕЛДИ.

В. И. Ленин асарларининг 3-нчи томини олиш учун обуна квитанциясини ёки обуначининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни кўрсатиш лозим.

«Ўзкитоб»нинг 4-нчи магазинига якшанба кунларидан бошқа ҳар куни мурожаат қилинсин (Правда Востока кўчаси, театр қурилиши рўпарасида).

«Ўзкитоб»нинг обунали нашрлар конторасн.

ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ҳунармандчилик кооперацияси бошқармасининг 1946 йил 7 май 109-нчи сон буйруғига мувофиқ
Чирчиқ шаҳридаги
«ЧИРЧИҚ» АРТЕЛИ ТУГАТИЛАДИ

Ташкилот ва муассасаларнинг бу артельга бўлган даъволари шу эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун ичида тугатиш комиссиясининг раисига билдирилиши лозим. Адрес: Куйбишев район, Завкомовский кўчаси, 68-нчи уй.

Тугатиш комиссияси.

Тошкент қишлоқ район, 1-нчи бўлим халқ суди билдирадики, Ф. Валиевнинг Р. Жалиловадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинади.

Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси. Тиражи 64,5 минг. № 78. Р.04840.